Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 163 (20. 131) • 1988 йил 16 июль, • шанба • Баҳоси 3 тийин.

СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИ КЕНГАШИГА

Совет делегацияси аъзолари Варшава Шартномасига аъзо бўлган давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгашида қатнашиш учун 14 июль куни Москвадан Варшавага жўнаб кетдилар, делегацияга ҳозир расмий дўстлик визити билан Польшада меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев бошчилик қилади.

Аэродромда делегация аъзолари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри армия генерали Д. Т. Язовни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари — Е. К. Лигачев, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, Ю. Д. Маслюков, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ПХРнинг СССРдаги муваккат ишлар вакили Э. Лукош бор эди.

Совет делегациясининг аъзолари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев Варшавага олдин жўнаб кетган эдилар.

* * *

Шу куни Совет делегациясининг аъзолари Варшавага келдилар.

Аэродромда делегация аъзоларини ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси З. Месснер, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Миллий мудофаа министри армия генерали Ф. Сивицкий кутиб олдилар.

Варшавага илгарироқ келган Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов улар билан бирга эди. (ТАСС).

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ—АМАЛИЙ ИШ ПРОГРАММАСИ

ТУБ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ— ЭКОНОМИКАМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Экономикада дадил тадбир кўрилди: давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун амал қила бошлади. Мазкур Қонун хўжалик фаолиятининг иқтисодий ва ҳуқуқий негизларини белгилаб берди. Бошқарувнинг иқтисодий методларига амал қилиш тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, корхоналар билан давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштиради.

Шу тариқа экономика соҳасида туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш қонунлаштирилди. Эндиликда у қайта қуришнинг ҳаётий таркибий қисмига айланди-ки, бу ҳақда КПСС нинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси — революцион янгиланиш жараёни турмушнинг ҳал қилувчи соҳаси бўлган экономикага тобора чуқурроқ кириб бормоқда, деб баралла таъкидлади. Конференцияда уқтириб ўтилганидек, биз халқ хўжалигини бошқариш системасини ўз мақсадлари ва миқёслари жиҳатдан чуқур, чинакам тубдан ислоҳ қилишга киришдик. Экономика бошланғич бўғинларининг анчагина қисми давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини пул билан таъминлаш принципларини ўзлаштирмоқда.

Экономика эркин нафас ола бошлади, у иш суръати ва сифатини тобора кучайтиришни талаб этяпти. Мана, баъзи мисоллар; ўтган йили илк бор миллий даромад ўсишининг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди. Меҳнаткашларнинг реал даромадлари яна ўса бошлади. Шу беш йиллик нкки йили мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 4,6 процент кўпайди. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш аввалги беш йилликдагига нисбатан йилига 15 миллион квадрат метр ошди. Социал-иқтисодий вазиятни соғломлаштириш тенденцияси бу йил ҳам ривожланмоқда. Республикамизда ҳам олға томон силжиш сезилиб боряпти. Ўзбекистон индустрияси 1988 йилнинг беш ойида ўтган йил шу даврига нисбатан давлат буюртмаларига мувофиқ ҳамда истеъмолчилар билан шартномалар асосида маҳсулот етказиб беришни 1,1 процент кўпайтиришга эришди.

Ҳали булар — экономикадаги қайта қуришнинг дастлабки нишоналари, холос. Бироқ деб кўрсатди партия конференцияси, экономикадаги мавжуд вазиятга танқидий назар билан қараш керак. Ривожланиш имкониятлари, резерварлари омилкорона ишга солиш зарур. Партия таълим берганидек, ҳамма ижобий жиҳатларга қарамай, экономикадаги ишларнинг аҳволи, айниқса пировард натижа — халқнинг турмуш даражасига қараб фикр юритилганда — секинлик билан ўзгараётганини кўрмаслик мумкин эмас. Экономика масалаларида қаттиққўл ва принципиалроқ бўлишни ҳаётнинг ўзи тақозо этяпти. Бунда биз ленинча принципларга асосланишимиз — эришилган натижаларга холис, ўз-ўзини танқид асосида баҳо беришимиз лозим.

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида талабчанлик яна ҳам юқори бўлади. Бу талаблар нималардан иборатлигини партия конференцияси рўй-рост кўрсатди: Вазифа — корхоналар ишини янгича шароитларда юритиш соҳасида тўпланган дастлабки тажрибани кўпайтиришдан, тўла хўжалик ҳисоби жамики афзалликларини амалда рўёбга чиқариш чора-тадбирларини кўришдан иборат.

Аввало, ишга ижодий ёндашиш керак. Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш талаблари асосида ишлаётган Ўзбекистон корхоналари тажрибасини ўрганишга бағишланган семинар-кенгашда бир мисол келтирилди: «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси Тошкент заргарлик буюмлари заводига қарашли филиалда бекор турган иш майдонини ижарага олди. 200 га яқин киши ишга жалб қилинди. Бир ойдагина савдо тармоқларига 800 минг сўмлик харидорбоп кийим-кечак юборилди. Тикувчиларга бунч ҳеч ким топшириқ қилиб айтгани йўқ. Бу, корхона раҳбарлари билан мутахассисларининг янгича фикрлаши маҳсулидир.

Бугунги кунда республикадаги уч юздан кўпроқ корхона хўжалик юритишнинг янгича шароитида ишламоқда. Уларда республика саноат маҳсулотининг ярми ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ корхоналарнинг ҳаммасида ҳам иш рисоладагидек, давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун талаблари даражасида деб бўлмайди. Давлат буюртмаси шароитларида ишлаётган корхоналар фаолияти ҳамон равон изга тушиб кетмаяпти. «Цехимизда ва умуман заводимизда, — деб ёзади Тошкент электротехника заводи монтажчиси Л. Валетова, — ҳар ойнинг йигирманчи кунидан кейин югур-югур бошланади. Корхонамиз 300 та завод билан алоқа қилади. Қаттиқ туриб қилган ҳаракатларимиз эвазига узоқ вақт кутилган комплектлаш буюмларини аранг оламиз. Шу даражага бориладики, арзимаган нарсаларни ўз ҳисобимиздан самолётларда ташиб келтиришга мажбур бўляпмиз. Шу алпозда хўжалик ҳисобида ишлаб, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаб бўларканми! Жаримга солиш керк, дерсиз. Ўтган йили бунақа «шериклар»ни ярим миллион сўм билан жазоладик. Ўзимиз эса маҳсулотимизни вақтида юборолмаганимиз учун истеъмолчи корхоналарга 1,5 миллион сўм миқдорда жарима сонаб бердик».

Шерикнинг шерикка панд беришига ошд бундай мисоллар, афсуски, ягона эмас. Бу мисол корхоналараро кооперацияда мустаҳкам тартиб ўрнатиш, шартнома шартлари бажарилиши устидан таъсирчан назорат заруллигини таъкидлайди. Айни ҳозир ислоҳотнинг илк босқичи қийинчиликларидан тегишли сабоқ чиқариб олиш муҳим вазифадир. Амалиёт шундай муаммоларни кўрсатмоқдаки, улар янги иқтисодий механизмни шатакка олишга мажбур қилмоқда. Бунақа муаммолар шу механизмнинг ҳали ҳамма элементлари тўла жорий этилмагани оқибатида юз беряпти. Бу аҳвол яна планнинг структуравий марралари белгилаб қўйилган шароитда, ресурсларни тақсимлашнинг аввалги марказлаштирилган методлари сақланиб қолган бир шароитда амалга оширила бошлаганлиги билан ҳам боғлиқлигини назардан қочирмаслик керак.

Мавжуд қийинчиликлар хўжалик юритишнинг сийқа усуллари яшовчанлиги, экономикага раҳбарликнинг одатдаги буйруқбозлик-маъмурий методлари сақланиб қолинаётганлиги, бошқарув ходимларининг бир қисми янгиликка қаршилик қилаётганлиги сабабли юзага келди. Бир қанча ҳолларда ислоҳотнинг моҳиятини бузиб кўрсатиш, янгича бошқарув формаларини эскича мазмун билан тўлдириш йўлидаги уринишларга дуч келинаётгани сир эмас. Министрлик ва идоралар корхона тўғрисидаги Қонуннинг мазмуни ҳамда руҳидан чекиниш ҳолларига йўл қўймоқдалар. Республикадаги айрим минстрликлар корхоналар ишлаб топган фойданинг 70-80 процентини олиб қўймоқдалар. Улгуржи савдонинг суст ривожланаётгани хўжалик ҳисоби йўлига яна бир ғов соляпти.

Хўжалик ҳисоби раҳбарлардан ташаббускорлик, ишбилармонлик, ҳисобдонлик, ташкилотчиликни ҳам талаб қилиши табиий. «Унимиз йўқ», «бунимиз йўқ» деб айюханнос солиб, юқори идораларга тез-тез қатнаётган баъзи раҳбарлар Қашқадарёдаги Муборак газни қайта ишлаш заводи мутахассисларидан ибрат олишлари лозим. Муборакликлар айрим жузъий муаммоларни ўз кучлари билан ҳал этмоқдалар. Корхона цехлари хўжалик ҳисобида ишлашга 1987 йили ўтган эди. Ҳар бир цехнинг ўз шахсий варақаси ва бир йилга мўлжалланган ҳаражатлари сметаси бор. Хўжалик юритишнинг янги шароитида меҳнат унумдорлигини ошириш плани 112 процент бажарилди. Планга қўшимча 3,4 миллион сўм фойда олинди.

Хўжалик юритишнинг янгича шароити резервларни ишчанлик билан ҳаракатга келтириш, изланишни тақозо этади. Конференцияда сўзга чиққан нотиқлардан бири ижодкорлик жой, вақт танламайди, деб айтди. Бу — ҳаётий ҳақиқат. Навоий «Азот» бирлашмаси меҳнаткашлари ишга ижодий муносабатда бўлиб, шу йилнинг уч ойидагина 500 минг сўм фойда кўрдилар. Нинманинг ҳисобига! Бу фойда манбаларининг айримлари бирлашманинг бош механика бўлими четдан баъзи ташкилотлар билан шартномалар тузишдан воз кечганига алоқадор. Бўлим ўша ташкилотлар бажарадиган ремонт ишларини бемалол ўзи эпляпти. Бундан ходимларнинг ўзи манфаат кўрмоқда. Иш ҳақи кўпайди, бирлашма ҳам наф кўрди. Ремонтга кетадиган харажат ва вақт қисқарди. Муҳими, ремонт ишларининг сифати кескин даражада яхшиланди. Резервдан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш шу эмасми!

Яна бир ўткир масала бор. План билан «тазйиқ» ўтказиш практикасига барҳам бериш керак. План тазйиқи бўлмаса, корхоналар иқтисодий кўрсаткичларни бажармай қўяди, деган хавотирларга асос йўқ. Акс ҳолда «ялпи маҳсулот»га садоқат ортиб кетади, сифат кўрсаткичлари пасаяди. Шу маънода республика Енгил саноат министрлиги системасида янгилик томон юз тутилганини айтиш мумкин. Тўғри, тармоқда молия ишларини яхшилаш программаси ҳали мукаммал эмас. Лекин янгича тартибда ишлана бошлагандан буён 500 миллион сўмликдан ортиқ ўтмаётган моллар ва қарзлар икки баравар камайди. Министр Э. А. Таймазовнинг айтишича, маҳсулот етказиб берувчилар ва банклардан 100 миллион сўмча қарздор эдилар. Энди бу ахволга барҳам берилди. Кўпгина корхоналарнинг ҳисобида ниҳоят нақд пул пайдо бўлди. Илк бор бир неча ўн миллион метр газлама чет эл бозорида сотилган бўлса-да, унинг сифатини юқори деб бўлмайди. Илгари ҳеч қачон шунча кўп газлама экспорт қилинмаганди. Япония, АҚШ, ГФР, Франция, Покистонга ип газлама, ипак, хом тери, чинни буюмлар экспорт қилиняпти. Бироқ маҳсулотлар техникавий даражасини муттасил ошириб бориш кун тартибидаги муҳим масала бўлиб қолаверади. Бунда иқтисодий ислоҳот имкониятларидан умид катта.

Ишда пировард натижа муҳим. Модомики, хўжалик механизми ишлай бошлаб, реал натижаларни яхшилашни таъминлаётган экан, бу айни муддао, ибратли сабоқ.

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш усули кишиларни тарбиялашда: хўжалик ҳиссини ошириш, ҳисоб-китоб қилишга ўргатмоқда, тежамкорликка ундамоқда. Меҳнатга яраша рағбатлантириш барқарор тус олмоқда.

Конференция партия ташкилотлари фаолияти қайта қуриш натижаларини кўпайтиришга қаратилиши зарурлигига катта эътибор берди. Партия ташкилотлари давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун ҳаётда чиннакамига ўз мавқеига эга бўлиши учун ташкилотчилик ишларини кучайтириши керак. Бу соҳада халқ депутатлари Советларининг роли катталигини ҳам айтиш лозим.

Хуллас, туб иқтисодий ислоҳот — экономикамиз тараққиётининг ёрқин истиқболи. «КПСС XXVII съезднинг экономикани социал соҳа сари буриб юборишдан ўйлаймиз, — деб кўрсатиб ўтилди партия конференцияси резолюциясида, — бутун структура ва инвестиция системасининг ўзгари, такрор ишлаб чиқариш суръатлари ва пропорцияларини шакллантиришнинг асосий негизи бўлиб қолиши лозим. Бу йўл иқтисодий ўсишнинг янги сифат билан, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш, ресурсларни тежаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, машинасозликни реконструкциялаш билан чамбарчас боғланган». Бу партиянинг халқ фаровонлигини юксалтириш мақсадлари тўла-тўкис рўёбга чиқишига хизмат қилади.

СОЦИАЛИСТИК ТУЗУМНИНГ ТЕРАН МАЪНОСИ

М. С. Горбачевнинг Варшава аҳолиси билан учрашуви

Совет — Польша қўшма баёнотини имзолаш пайти.

ТАСС махсус мухбирлари Ю. ЛИЗУНОВ ва А. ЧУМИЧЕВ телефотоси.

ВАРШАВА, 14 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ПХРга расмий дўстлик визитининг тўртинчи кунини Варшавада ўтказди.

Эрта тонгда, қуёш нурлари Эски шаҳар иморатларининг найзасимон шпилларини ёритиб, Шоҳлар қасрининг баланд деразаларига тушар-тушмас юзлаб варшаваликлар поляк ва совет маданияти, фани арбоблари билан учрашиш учун бу ерга келган М. С. Горбачевни табриклаб кутиб олдилар.

Қасрга кираверишда расмона манзара: қадимий либослардаги қаср посбонлари тавозе, билан меҳмонга пешвоз чиқадилар. Курант бонги соат 10 бўлганидан дарак беради. Қасрнинг бош соҳиби профессор А. Гейштор меҳмонларни залларга бошлайди, фашистлар ер билан яксон қилиб ташлаган ва халқнинг хайр-эҳсони ҳисобига қайта тикланган қасрнинг пайдо бўлиш тарихини гапириб беради.

Зиёлиларнинг намояндалари билан учрашувни профессор Б. Суходольский очди.

Шоҳлар қасридаги учрашувларнинг ўз анъаналари бор, деди у. Бу анъаналарда кўпгина совет кишилари қатнашганлар. Аммо ҳозирги учрашув мутлақо ўзига хосдир, биз, шу залда ҳозир бўлган ҳамма кишилар буни яхши англашимиз керак. Бу ўзига хослик шундан иборатки, бугун биз Совет Иттифоқида рўй бераётган ҳамма воқеалар ҳақида мўътабар гап айта оладиган кишинигина қабул этаётганимиз йўқ. Бугун биз совет халқининг Совет давлатининг келажагини бунёд этаётган инсонни, шу тариқа бутун дунёнинг келажагини бунёд этаётган зотлардан бирини қабул қилаяпмиз. Бу фикр поляк зиёлиларининг, айниқса поляк ижодкор зиёлиларининг дилига ғоят яқиндир. Мана шу келажак йўли эҳтимолки, ҳозирги биргаликдаги, очиқ йўлимизда ҳам муштараклик кўплигини кўрсатиб турганидан хурсандмиз.

Сўнгра М. С. Горбачев йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлади.

Польшага қилган визитимизнинг асосий қисми тугади, деди совет раҳбари, бинобарин мен зиёлилар билан, халқ руҳининг намояндалари, миллат руҳи ва манфаатларининг ифодачилари билан мана шу учрашувда ҳозирги Польшада рўй бераётган воқеалар бизда жуда катта таассурот қолдиргани-ни айтиб ўтмоқчиман. Польша яна изланишда, у бундан буён қайси йўлдан бориш керак, деган саволга жавоб қидирмоқда ва менинг назаримда бу жавобни топмоқда.

Шчецин воеводасида кеча деҳқонлар билан бўлган учрашув чоғида, деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, мендан сизлар Совет Иттифоқида нима қиляпсизлар ва қилаётган ишингиздан кузатган мақсадингиз нима, ана шуларни айтиб беринг, деб илтимос қилишди. Ўшанда мен аввало бизнинг социалистик жамиятимизда ҳамма кишилар ва меҳнаткашлар яхши яшашларини ва ўзларини яхши ҳис этишларини хоҳлаймиз, дедим.

Биз Совет Иттифоқидаги қайта қуриш ва Польшадаги социалистик янгиланиш орқали қилаётган энг асосий бурилиш — мана шу, деб ўйлайман. Биз социалистик тузумнинг тарихий, теран маъносини, унинг моҳиятини намоён этяпмиз. Биз уни инсонга хизмат қилдиряпмиз, бинобарин ютуқларнинг бош мезони ва, аксинча, камчилиги инсоний ўлчов билан, инсоний мезон билан ўлчанмоғи керак. Умуман олганда, биз қайта қуриш орқали, янгиланиш орқали жамиятимизнинг инсонпарварлик руҳини кучайтириш сари боряпмиз. Энг муҳими — мана шу. Ҳар куни кайфияти яхши бўлган киши кўп ишга қодир. Неча асрлар мобайнида ўз ерига содиқлигини исботлаб келган бизнинг одамларимиз эса айниқса кўп нарсага қодир Биз бу билан фахрланамиз. Чунки, рус халқининг, совет халқларининг ватанпарварлиги, поляк халқининг ватанпарварлиги — жуда катта аҳамиятга эга бўлган мустақил қадриятлардир. Одамларимизнинг ўз ватанига мана шу муҳаббати, иҳлоси шу халқ руҳи ва одамларнинг муддаолари намоён бўлиши учун йўл очаётган янги имкониятлар билан бирга қўшилса, ҳам маънавий, ҳам моддий соҳада, ҳам илм-фанда — ҳамма жабҳаларда бизнинг катта ютуқларимизни таъминлай олади.

Тезроқ мана шундай бўлишини ҳаммамиз хоҳлаймиз. Эҳтимол, ҳозир зиммамизга масъулият юклатилган, халқлар ҳокимият тепасига чиқариб қўйган кишилар шу муваффақиятларга тезроқ эришилишини ҳаммадан кўра кўпроқ хоҳлайдилар.

Аммо айни вақтда реалист бўлмоқ керак. Чунки гап жуда катта, жуда чуқур ўзгаришлар ҳақида бормоқда. Шу сабабли биз айни вақтда ўзимиз ўйлаб, режалаштириб қўйган ишларни амалга оширишда революцион кайфиятли ва қатъиятли бўлибгина қолмаслигимиз, биз хомҳаёлларга берилмаслик учун реаллик замирида туришимиз керак. Шу боисдан ҳам биз ўз ўтмишимизни шу қадар синчиклаб ўрганяпмиз, унга шафқатсиз танқидийлик ва ҳақиқат кўзи билан қараяпмиз. Бу жўн иш эмас. Бунинг учун жуда катта мардлик керак.

Бу — ўтмиш сабоқлари бизни янада забардаст, ақлли, доно қиладиган, янада сабр-тоқатли қиладиган, бизни янги билим билан қуроллантирадиган ва руҳимизни мустаҳкамлайдиган омилнинг ўзидир. Руҳи заифлашган инсон биз ўз олдимизга қўйган вазифаларни ҳал эта олмайди. Эҳтимолки, илгари ҳеч қачон мамлакат раҳбарлари билан зиёлиларимизнинг муносабатлари шу қадар яқин ва ҳамжиҳатлиги шу қадар чуқур бўлмаганди.

(Давоми иккинчи бетда).

САНЪАТ ХАЛҚЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Ленин орденли Абай номидаги қозоқ Давлат академик опера ва балет театрининг Тошкентдаги гастроллари эўр муваффақият билан ўтди. Бу коллективнинг кўп спектакларида зал гавжум бўлди. Бу томошаларни кўриш учун республика областларидан одамлар келишди. Қозоқ артистларининг А. Навоий номидаги ўзбек Давлат академик катта театрида бир ой давом этган гастролларини ўттиз мингдан ортиқ томошабин кўрди.

Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёдаги иттифоқдош республикалар ва Қозоғистон билан иқтисодий ҳамда маданий алоқалари мунтазам ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Адабиёт ва санъат арбоблари делегацияларининг қўшни республикаларда бўлиши, кўргазмалар, концертлар уюштириш халқлар тарихини яхшироқ билиб олишга кўмаклашади. интернационал алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

15 июль куни Қозоғистон театри ходимларининг бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида қабул қилинди. Миллатлараро маданий алоқаларни ривожлантириш тўғрисида қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди. Ўзбекистонда кўп миллатли совет музика санъатини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган, қардош маданиятларни ўзаро бойитиш ва меҳнаткашларни интернационал рухда тарбиялашга кўмаклашган гастролларни муваффақиятли ўтказганлиги учун Ленин орденли Абай номидаги қозоқ Давлат академик опера ва балет театри Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Театрнинг бир группа ходимлари ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев тантанали вазиятда топширди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ АБАЙ НОМИДАГИ ҚОЗОҚ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда кўп миллатли совет музика санъатини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган, қардош маданиятларни ўзаро бойитишга ва меҳнаткашларни интернационал рухда тарбиялашга кўмаклашган гастролларни муваффақиятли ўтказганлиги учун Ленин орденли Абай номидаги қозоқ Давлат академик опера ва балет театри Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри
1988 йил 15 июль.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ленин орденли Абай номидаги қозоқ Давлат академик опера ва балет театри бир группа ходимларини Фахрий ёрлиқ билан мукофотлади.

• *Ягона сиёсий кун*

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН, ОЛҒА

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг маҳсулот сифати масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари М. Ҳ. Раҳимов оғир шлангли кабеллар цехида XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларига бағишланган суҳбатни бошлар экан, унга асосан бўлмаслигини билар эди. Цех шартномада белгиланган маҳсулотларни етказиб бериш мажбуриятини ҳамиша ҳам уддалаётгани йўқ, технология оқсамоқда, машина-ускуналарни алмаштириш зарур. Раҳбарнинг ишчилар билан суҳбати неча йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни қандай қилиб ҳал этиш хусусида бўлди. Партия конференцияси иқтисодий, социал муаммолар, бошқа муаммоларни ҳал этиш учун сиёсий йўлланма берди. Бу — мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик билан ишлаш ҳақидаги йўл-йўриқдир. Ҳар бир меҳнатчи шахсан ўзининг, қоловерса, коллективнинг фаровонлиги учун курашиши керак. Суҳбат давомида унинг қатнашчилари шундай бир фикрга келдилар: ишни қайтадан қуроллантириш, ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтиш шароитида меҳнатнинг бригада усулини такомиллаштириш, пировард натижалар учун ҳар бир кишининг масъулиятини ошириш, маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳам, уни истеъмол қилувчилар билан ҳам амалий алоқаларни йўлга қўйиш зарур.

15 июль куни Ўзбекистон саноат корхоналари, колхоз ва совхозлари, муассасалари коллективларидаги ягона сиёсий кун ҳам мана шундай ишчанлик билан ўтди, унда конкрет қарорлар қабул қилинди. Бу сиёсий кун КПСС XIX конференциясининг якунларига, унинг қарорларини амалга ошириш соҳасидаги вазифаларга бағишланди.

Ҳозирча республикада яхшилик сари силжишлар суст бормоқда, халақит бериш йўлидаги уринишлар бутунлай барҳам топган эмас ва жадаллаштириш омиллари ҳаракатга келтирилмаган. Халқ фаровонлигини ошириш учун Советларнинг ролини кучайтириш, демократияни оғизда эмас, балки амалда ривожлантириш, жамиятнинг иқтисодий ва интелектуал имкониятларини тўла-тўкис ишга солиш, бюрократик тўғаноқларни олиб ташлаш зарур.

Партия конференцияси олға томон қиладиган ҳаракатимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Энди ҳеч қандай қўшимча кўрсатмалар, тушунтиришлар ва йўл-йўриқларни кутмай дарҳол амалий ишга киришиш муҳимдир.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, совет ва жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК ТУЗУМНИНГ ТЕРАН МАЪНОСИ

(Давоми. Бошы биринчи бетда).

Ўтмиш сабоқларидан бири шундан иборатки, деб сўзини давом эттирди М. С. Горбачев, сиёсатчилар ва зиёлиларимизнинг бошқа авлодлари жонкуярлик билан неча марталаб жуда жиддий равишда уринниб кўрган эдилар. Аммо ҳамма программалар бошланарди-ю, биронбир босқичда тўсатдан сўниб қолар эди. Иш юришмаслигининг сабаби шунда эдики, режалар жамиятнинг интеллектуал кучлари кенг иштирокисиз ва айниқса, энг муҳими, шу режалардан баҳраманд бўлиши керак бўлган одамларнинг ўзларини қатнаштирмай тузилар ва шу алпозда ҳал этишга уринилар эди. Одамларнинг қандайдир бир доираси бор, мана шу доира халқнинг манфаатларини ифодалайди ва халққа нима кераклигини яхшироқ билади, деб ҳисоблар эдилар. Мана шуларнинг «ҳаммасини жой-жойига қўйиш» керак эди. Инсон ва унинг олдидаги, айниқса сизнинг ва бизнинг халқларимиз олдидаги масъулият барча ишлар ва режаларимиз марказига қўйилди. Сизнинг ва бизнинг халқларимиз шундай тақдирга эгадирларки, уларнинг ишлари, тарихий миқёсдаги ишлари шундайки, улар ўзлари билан ҳисоблашишга лойиқ эканликларини, мамлакатларимиздаги ҳаёт бошқача бўлишига, ўзларининг туб манфаатларига муносиб келишига лойиқ эканликларини исботлаганлар.

Ҳозир халқларимиз ўртасида янги муносабатлар қуриш учун жуда катта имкониятлар очилмоқда. Бизнинг, одамларимизнинг бирбиримизга очиқ кўнгил билан пешвоз чиқиш истагимиз бор, шу кунларда поляклларнинг ҳам кайфияти мана шундай эканини сездим.

Учрашувда Польша ва СССРнинг таниқли маданият ва фан намояндалари — Польша Фанлар академияси космик тадқиқотлар комитетининг раиси Я. Рихлевский, публицист, сейм депутати Р. Война, ёзувчи Ч. Айтматов, Люблин католик университетининг профессори М. Кромпец, профессор Я. Шчепаньский, ёзувчи З. Сафьян, кинорежисер К. Занусси, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Федоров, публицист М. Круль, профессор Е. Адамский, профессор М. Наленч, Польша ёзувчилар уюшмасининг раиси В. Жукровский, «Новий мир» журналининг бош редактори С. Залигин, фалсафа профессори Я. Кучиньский, публицист К. Теплиц, ёзувчилардан А. Сандауэр ва Я. Пшимановский сўзга чиқдилар.

Мунозара салкам икки соат давом этди. Совет Иттифоқидаги қайта қуриш ва Польшадаги янгиланиш тўғрисида, иккала мамлакат ҳамкорлигининг пайдо бўлаётган янги имкониятларидан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш, дўстлик ва қардошлик сўзларини реал мазмун билан, аниқ-равшан ишлар билан тўлдириш ҳақида қизғин, ғоят ошкора гаплар айтилди. Поляк ва совет нотиқлари микрофон ёнида кетма-кет гапирдилар. Ўн етти киши сўзга чиқди, мамлакатларимизда рўй бераётган жараёнлар ҳақидаги ўз фикрини айтиш, Бош секретарга савол бериш истагидаги кишилар эса камаймас эди. Профессор Б. Суходольский ҳозир бўлган кишилардан совет раҳбарининг Польшага расмий дўстлик визити программаси мураккаблигини эътиборга олишни сўрайди. У шоҳлар қасридаги учрашув тўғрисида китобча чиқариб, унга сўзланмаган нутқларни ҳам киритишни таклиф қилади. Бу китоб, дейди у, Бош секретарга ҳам бугун кўтарилган саволларга батафсилроқ жавоб қайтариш имконини беради.

Мен бу таклифни қўллаб-қувватлашга тайёрман, деди Михаил Сергеевич учрашувни қисқача якунлаб, дарҳақиқат, бу ерда, шу учрашувда ҳам давримизда дуч келинаётган асосий тақчилликни сезиб олдик, бизда бундай тақчилликлар кўп. Аммо вақт энг катта тақчилликдир. Программани тузган кишилар назаримда ончалик пухта иш тутмаганликларидан таассуфдаман. Бу келажак учун сабоқ бўлсин.

Сизлар бу учрашувга мароқли мулоҳазалар билан келиб, бу ҳақда сидқидилдан, ғоят манфаатдорлик билан гапирганингиз учун раҳмат. Мен бу ерда билдирилган баъзи бир фикрларгагина жавоб қайтара олишим мумкин.

Аввало қайта қуриш ва янгиланиш поездига фақат зиёлилар чиқиб олиб, бошқаларга ўрин қолмаса-я, деган хавфсирашлар хусусида. Йўқ, зиёлиларнинг роли ва бурчи ортиб бориши бу поездда меҳнаткашларга, ишчилар синфига, деҳқонларга, халққа ўрин қолмайди, деган маънони асло билдирмайди. Йўқ, айни улар ҳамма ишларнинг асосий қатнашчиси ва бу поезднинг асосий пассажирларидир. Сизларнинг меҳнатингиз жуда муҳим. Мана шу меҳнат ишчи ва деҳқонларнинг меҳнати билан бирга қўшилиб, унга бошқача қиёфа, фазилат бахш этади, уни янада унумдор қилади, бу эса кўп масалаларни ҳал этиш имконини беради. Аммо халқнинг сўзи ҳал қилувчи сўз бўлади.

Яна бир фикр. Ўз мамлакатимизда ҳам мен тез-тез эшитиб турган бир шама хусусида, мунозара қилиш яхшию, аммо ишлаш керак, деган шама бу ерда ҳам эшитилди. Бу гапнинг соғлом маъноси бор, аммо биз ошкоралик ва мунозарани сақлаб қолаверамиз. Акс ҳолда биз тузумнинг имкониятларини ҳам, халқимизнинг интеллектуал имкониятларини ҳам юзага чиқара олмаймиз. Бу нарса ҳатто биздаги ёки Польшадаги баъзи бировларга ёқмаса ҳам биз шу фикрда турибмиз ва тураверамиз.

Бу ердаги кўпгина нутқларда муштарак тарихимизни идрок этиш йўлида дадилроқ ва тезроқ ҳаракат қилиш, халқларимизни тарих илми билан қуроллантириш зарурлиги тўғрисидаги фикр жуда ўринли ва кучли янгради, деб таъкидлади Михаил Сергеевич. Ҳозир мен бу муаммога батафсил тўхталмоқчи эмасман, аммо бу хусусда бизда ўртоқ Ярузельский билан бир неча суҳбат бўлганини айтиб ўтмоқчиман. Бу ерга келган делегациямиз составидаги ўртоқлар ҳозир поляк дўстлар билан биргаликда шу жараёнга қандай қилиб кенгроқ тус бериш кераклигини муҳокама қилмоқдалар.

Хуллас, деди пировардида М. С. Горбачев, келинглар, профессор Б. Суходольскийнинг китобча чиқариш, суҳбатимиз мазмунини халққа маълум қилиш хусусидаги таклифини қабул этайлик. Менимча, бу қизиқарли бўлади ва ана шу интеллектуал жабҳада биргаликда сарфлаётган куч-ғайратларимиз учун яхши омил бахш этади.

Сўнгра Совет — Польша музокаралари бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельский Совет — Польша қўшма баёнотини имзолодилар. Унда таъкидланишича, Совет Иттифоқи билан Халқ Польшаси ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг бутун системаси тенг ҳуқуқлилик, ўзаро масъулият, мустақиллик, ўз халқи олдида масъулият, шунингдек мамлакат тараққиёти масалаларини суверен ҳал этиш ҳуқуқи асосига қурилади. Халқаро ишларда СССР билан ПХР ўз ташаббусларини социалистик давлатлар тинчликсевар сиёсатининг келишиб олинган умумий йўли билан узвий равишда бирга қўшиб олиб боришни норма деб ҳисоблайдилар.

Совет — Польша музокаралари тугагач, Бош секретарнинг визитини ёритаётган совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Дунёдаги кўпгина телеграф агентликлари, телекомпаниялар ва газеталарнинг вакиллари Варшавада ўтказилган музокараларнинг мазмунига зўр қизиқиш билан қарадилар.

* * *

Варшавадаги тиғиз кун ниҳоясига етай деб қолганида, М. С. Горбачев билан унинг рафиқасига Варшаванинг меъморий гўзалликларидан, унинг боғлари ва эски шаҳари жозибадор латофатидан яна бир бор завқланиш, Варшаванинг тор кўчаларидан пиёда юриш, варшаваликларнинг дилкашлиги ва меҳмоннавозлигини яна бир бор тўла-тўкис ҳис этиш имконияти берилди.

«Варшава да шче любич!» «Варшавани севмай бўладими?» деган қўшиқнинг шўхчан куйлари Бош секретарнинг шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишуви вақтида унга йўлдош бўлди. Краковда, Шчецинда бўлгани каби бу ерда ҳам — Совет Иттифоқилик меҳмонлар борган ҳамма жойда беҳисоб одамлар, уларни байроқчалар кўтариб табрик сўзлари, яхши ниятлар билан кутиб олдилар.

Лазенки парки бўйлаб сайр қилинади... Парк тўрида улуғ Шопен ҳайкали саллат тўкиб турибди. Монумент пойига гулдаста қўйилади.

Марказий қўрғонда Бош секретарь поляк миллий-озодлик ҳаракатига бағишланган доимий кўргазмани кўздан кечирди. Сўнгра йўл эски шаҳарнинг Барбакан районига олиб боради. Новомейская кўчасида М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачевани сотувчилар тўхтатишиб, китоб магазинига таклиф этадилар, меҳмонларга кўркам «Варшава» алъбомини ҳадя этадилар. Унинг ёнидаги «Мужинек» кафесида хушбўй кофе билан меҳмон қиладилар.

Барбаканнинг эгри-бугри тор кўчалари орқали ёш қўзғолончи ҳайкали ёнига борилади. Бу ҳайкал 1944 йилги Варшава қўзғолонида қатнашган болалар сиймосини абадийлаштирган. Бош секретарь обида пойига гуллар қўйиб, бугун бозор майдонида халқ қўшиқлари янграб туриши учун жанг қилган ёш варшаваликларнинг мардлигига ҳурмат бажо келтирди.

В. ВОЛКОВ,
Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
А. КОНДРАШОВ,
Г. ШИШКИН,
В. ШИШЛИН.

САЛОМАТЛИК ВА ШАФҚАТ СОВЕТ ФОНДИНИНГ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИДА

Саломатлик ва шафқат совет фонди ташкилот комитетининг навбатдаги мажлисида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Фанлар академиясининг ва СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий-техника комплексининг бош директори Святослав Николаевич Федоров ана шу комитетнинг раиси қилиб сайланди.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НУКУС. (ЎзТАГ). 14 июлда Қорақалпоғистон область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларини амалга оширишнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов доклад қилди.

Ўзбекистон билан танишув

Никарагуа Сандиночилар фронтининг активлари Э. Ривас ва Н. Шонэке Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқдалар.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида бўлдилар.

15 июль куни Никарагуа Сандиночилар фронтининг активлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилиндилар. (ЎзТАГ).

Жонажон Ватан бўйлаб

ОРЖОНИКИДЗЕ

Эллик миллат ва элат вакиллари яшаб меҳнат қилаётган Ардон районда очилган дўстлик уйи меҳнаткашларни интернационал ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, совет анъаналари ва маросимларини пропаганда қилиш маркази бўлиб қолади. Дўстлик уйида ёзувчилар, артистлар, партия ва совет ходимлари, интернационалист-жангчилар билан учрашувлар, дўстлик кечалари, концертлар ўтказилади ва кўргазмалар ташкил қилинади.

● **МУРМАНСК**

Шу кунларда Заполярьедаги мазкур шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари ГДР медицина ва лабораторня техникасининг энг яхши намуналари билан танишмоқдалар. Илмий ва инженерлик жамиятлари иттифоқининг техника уйида қардош мамлакатларнинг ана шу соҳадаги ютуқлари кўргазмаси очилди. Бу ерда аппаратларни ишлатиб кўришдан ташқари уларни сотиб олиш учун буюртма ҳам бериш мумкин. ГДР фирмалари биринчи марта техникани шу жойнинг ўзида Мурманск медицина муассасаларига сота оладилар. (ТАСС).

Диққат: тажриба

ЯНГИ ЦЕХ

Шўрчи районидаги С. М. Киров номли колхоз меҳнатчилари турар-жой программасини муваффақиятли ҳал этиш учун тадбиркорлик кўрсатмоқдалар. Ўтган йилнинг охирида хўжаликда янги цех — ғишт тайёрловчи цех ишга туширилди. Цехнинг замонавий корпуси, унинг қимматбаҳо жиҳозлари йўқ, катта ҳажмда электр энергия ва ёнилғидан ҳам фойдаланилмайди. Энг муҳими, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилянти. Янги цехда иш олиб боришнинг сири ўзгача. Ғиштлар махсус хумдонларда пиширилмайди, балки қуёш нурлари иссиғида пиширилади. Маҳсулот уч-тўрт кундан сўнг тайёр бўлади.

Тадбиркорлар экин экилмайдиган майдонда цехни барпо этишди. Қурилиш учун зарур бўлган ғишт хўжаликнинг ўзида тайёрланиши анча фойдалидир. Маълумки, республикамиз қурилишларида кўпроқ пишиқ ғишт ишлатилади. Лекин бир қаватли уй-жой қурилишида хом ғиштнинг ишлатилиши мақсадга мувофиқдир. Шўрчиликлар ана шундай уйларни қуриб намуна кўрсатишянти.

Йилига 3 миллион дона ғишт тайёрланяпти — бу колхоз цехининг қуввати. Маҳсулотнинг бир қисми хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланса, аксарияти аҳолига сотилмоқда. Минг дона ғишт учун 25 сўм тўланади. Цех колхозчилар уйига эл-тиб бериш ишини ҳам ўз зиммасига олган. Ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақлари ҳам чакки эмас. Ҳар бир ишчи ўртача 400 сўмдан 450 сўмгача пул олаётир.

Суратда: илғор ишчилар (чапдан ўнга) Барно Ўроқова, Баҳодир Беҳкамов, Гулсара Зиёева, Саодат Маматқулова, Абдужаббор Султонов ва Ўрозгул Ҳасанова. Улар кунлик топшириқларини ошириб бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Р. ШАГАЕВ фотоси. (ЎзТАГ).

• *Партия турмуши: қайта қуриш қандай боряпти?*

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси материаллари ҳозир барча партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларида, одамларнинг ўзаро суҳбатларида муҳим мавзу бўлиб турибди. Мулоқотларда партия ва совет жамиятида демократия, ошкоралик чуқур илдиз отаётганлиги ва шу билан бирга қайта қуриш борасида жиддий камчиликлар содир бўлаётгани айтилмоқда. «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси билан Қашқадарё область партия комитети биргаликда ўтказган давра суҳбатида ана шулар ҳақида батафсил фикр юритилди. Унда конференция делегатлари, область, партия, совет ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари, ишчилар ва колхозчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ва Қашқадарё область партия комитетининг давра суҳбати

— Мамлакат коммунистларининг анжумани совет халқи ҳаётида катта воқеа бўлиб қолди, — деди суҳбатни бошқариб борган область партия комитетининг биринчи секретари, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати И. А. Каримов. — Бугун ҳамма, коммунист ва комсомоллар янгича фикрлаш руҳи билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Матбуотда ёритилган конференция материаллари, доклад ва нутқлар ҳар бир кишида чуқур таассурот қолдирди, албатта. Лекин шу билан бирга конференцияда кўтарилган баҳсли масалаларга кишиларнинг турли ёндашуви, ҳар хил қарашлар, турлича фикр ва мулоҳазалар ҳам кўзга ташланмоқда. Кўпгина нотиқлар партиянинг раҳбарлик ва авангардлик ролини эътироф этиб, жамиятимиз ҳозирги кун, ва келажаги муаммолари хусусида жонкуярлик билан фикр юритдилар. Хўш, бу масалаларга сизларнинг муносабатингиз қандай? Қайта қуришга нималар халақит бераётир? Бошланғич ташкилотда обрўсини, жанговарлигини, коммунистларнинг активлигини ошириш учун нималар қилмоқ керак? Бугунги давра суҳбатида ана шулар ҳақида гап бориши лозим.

Н. М. ВЕДИШИН, область партия комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлими мудири: — Партия аъзолиги коммунистга алоҳида имтиёз бермайди. Тўғрилик даврида кишилар КПСС аъзоси бўлганлиги учун ҳам раҳбарлик ўрнига қўйилади. Шу боисдан айрим одамлар партияга лавозим эгаллаш учун ўтишга ҳаракат қилдилар.

Коммунист соф виждонли, қаерда, қандай вазифада ишлашидан қатъи назар, иши ва шахсий ҳаёти билан бошқаларга ибрат бўлмоғи керак. Энди партия ташкилоти секретари ҳақида. Агар сиёсий етакчи коллективга ташаббус билан раҳбарлик қила олмаса юқори ташкилотларга шикоятлар оқими тўхтамайди. Гуруҳбозлик ва носоғлом вазият вужудга келаверади. Бу гап обком ва райком секретарларига ҳам тааллуқли. Партия етакчиси одамларнинг ишончини қозониш билан бирга, уларни ўз ортидан ҳам эргаштира олиши лозим. Агар унинг обрўйи тўкилса етакчилик қилиши жуда қийин.

Р. А. ҚОДИРАЛИЕВ, «Каршистройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари: — Область ва шаҳар партия комитетларига одамлар ёрдам сўраб келишади. Аммо ҳар доим ҳам ўша ёрдамни ололмаяптилар...

И. А. КАРИМОВ: — Тўғри одамлар бу ерга қандайдир ишонч ва талаб билан келишяпти. Озиқ-овқат савдоси, маиший хизмат кўрсатиш ва уй-жой таъминоти масаласида ёрдам сўраб келганлар кўпчиликни ташкил этаётир. Улар қўйётган муаммоларни область партия ташкилоти аралашувисиз қўйи ташкилотлар ҳам ҳал этиши мумкин-ку? Демак қўйи ташкилотлар ходимлари масъулият билан ишламаяптилар.

Р. А. Қодиралиев: — Ҳа, бошланғич партия ташкилотлари ўз иш функцияларини тўла бажараётганлари йўқ. Бизда ҳам нўноқ етакчилар бор. Масалан 15 та цех ва бошланғич ташкилотдан 4 тасининг қайта қуриш борасидаги иши талабга жавоб бермайди.

Р. РАҲМОНОВ, обком секретари: — Ҳамма цех ва бошланғич партия ташкилоти секретарлари ўз ўрнидами ёки...

Р. А. Қодиралиев: — Фақат 11 тасининг фаолиятидан қониқяпмиз, холос.

Р. НУРМАТОВ, «Қашқадарё ҳақиқати» газетаси редактори: — Аввалларги оммавий ахборот воситалари обрўси, роли ва масъулиятини ошириш тўғрисида гапирилди, ёзилди. Шундан нарига ўтилмасди. Эндиликда раҳбарларнинг қош-қовоғига қарамасдан, фикримизни очиқ-ойдин гапирадиган бўлдик. Энди Равил Абдураҳмоновичнинг фикри ҳақида: секретарь коммунистлар билан яқиндан иш олиб бормас экан, бундай етакчининг ўрнига бошқа талабчан, ташаббускор, одамлар билан ишлай олиш қобилиятига эга коммунист сайланиши керак.

И. А. Каримов: — XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида маъмурий-буйруқбозлик услуби кескин қораланди. Бу «касаллик» партия ходимларига ҳам юқкан. Областимизда айрим партия ташкилотларининг секретарлари идеология ишини бир четга суриб қўйиб, хўжалик ишлари билан ўралашиб қоляптилар. Баъзан «райком айтди», «райком буйруқ берди», «ижрокомдан кўрсатма бор», деган сўзларни эшитиб қоламиз. Буйруқбозликнинг нима кераги бор?!

Т. ХИДИРОВ, Қарши район партия комитетининг биринчи секретари: — Буйруқбозлик методи бизнинг районда ҳам мавжуд эди. Бу номақбул иш услуби билан тўрт йилдан бери курашиб келяпмиз. Ҳозирда мавжуд 94 та бошланғич партия ташкилоти ва сайлаб қўйилган актив коммунистлар орқали қабул қилинган қарорларнинг ижросига эришяпмиз. Партия қуйи бўғинларида, одамлар орасига кириб боряпмиз. Бундай иш услубининг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга ҳам ёрдами тегяпти. Райкомнинг бюро аъзолари партия қуйи бўғинларида бўлганларида «ўт босган ғўзалар» ва «кўллатиб суғорилган ғўзалар»ни суриштириш билан эмас, балки одамларнинг ҳаёти, инсон омили билан жиддий қизиқмоқдалар. Кишилар биздан социал масалаларни ҳал этишни ҳақли равишда талаб қилмоқдалар.

Ш. АЛЛАНАЗАРОВ, Шаҳрисабз район Совети ижроия комитети раиси: — Конференцияда халқ депутатлари Советларининг ҳокимиятни тўла-тўкис бошқариши, ижро интизомига риоя этиш принципиал масалалардан бири қилиб қўйилди. Советларда президиумларнинг ташкил қилиниши жуда яхши. Бу депутатлар активлигини оширади, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди. Бизнингча хўжалик ва социал масалалар Советларнинг иштирокисиз амалга ошмаслиги керак. Районда бу соҳада анча ишлар қилиняпти. Қишлоқларда ташкил этилган маҳалла комитетлари Советларнинг қуйи вакили сифатида муайян ишларни амалга оширмоқда. Энди аҳоли маҳалла комитетларига ишонч билан мурожаат қилмоқда. Бу шубҳасиз омма орасида Советлар ролини янада оширади.

И. А. Каримов: — Тўғри гап. Одамлар қаердан, кимдан нажот топсалар ўшанга мурожаат қилишади. Бу гап партия раҳбарларига ҳам тегишли. Кўп ҳолларда ишчилар, колхозчилар социал талабномалар билан партия комитетлари секретарларига эмас, хўжалик раҳбарларига мурожаат қилишади. Сабаби — партия ташкилоти етакчилари қўйилган масалани ҳал этолмаяптилар. Улар ҳуқуқ ва бурчларини етарли тушунмайдилар. Ҳамма гап ана шунда. Секретарнинг етакчилик фаолияти чинакам принципиал аҳамиятга эга. Шуни тан олиш керакки, ўттизинчи йилларда босмачи ва қулоқларга қарши кураш кескин тус олган даврларда одамлар фақат коммунистларга мурожаат қилишган. Чунки ўшанда коммунистлар жанговарликни, ташаббусни қўлдан беришмаган.

С. ХОЛБОЕВ, Нишон районидаги Усмон Юсупов номли совхоз-техникум бригада бошлиғи, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати: — Партия анжуманида ўртоқ М. С. Горбачев қайта қуришни 20 миллион коммунист амалга оширади, деган сўзларни бежиз айтмади. Чиндан ҳам қайта қуриш тақдири коммунистларга боғлиқ. Съездлар саройида ўзимча шу сўзлар устида мулоҳаза юритар эканман беихтиёр районимиз ва хўжалигимиз партия ташкилотида қайта қуриш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар, айрим коммунистларнинг ўта лоқайдлиги кўз олдимда гавдаланди. Мисол учун партия йиғилишларида баъзи коммунистлар муҳокама этилаётган масаланинг моҳиятига тушуниб-тушунмай қўл кўтариб маъқуллайверадилар. Бу нарса коммунистларда, қоланверса партия комитети секретарида ҳам шахсий ташаббус етишмаслигини кўрсатади.

Н. М. Ведишин: — Шахсий ташаббуси бўлмаган етакчи ва раҳбар коммунистларнинг узоқ ишлаши қийин.

И. А. Каримов: — Конференцияда бошқа айрим республикалар қатори Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида турғунлик ҳолатлари сақланиб қолаётганлиги алоҳида таъкидланди. «Демак, — деди ўртоқ М. С. Горбачев ўз докладида, — кўп нарса ишга ёндашувга, раҳбарликнинг омилкорлигига, хўжаликни янгича юритиш маҳоратига боғлиқ». Шу ўринда С. Холбоевнинг раҳбарнинг шахсий ташаббуси, ишчанлиги тўғрисидаги фикрларини маъқуллайман. Мана бир мисол: Усмон Юсупов районидаги 21-совхозда деҳқончилик ва экономикада олдинга эмас, балки орқага кетилди. Бу ерда аҳволни яхшилаш учун нималар қилмадик. Ҳатто обком секретарлари ҳам бу хўжаликда ойлаб бўлиб, ижобий ўзгариш ясай олмадилар. Қашқадарё оқсоқоли, марҳум Чўли Бегимқуловнинг ўғли, тажрибали коммунист Иброҳим Бегимқулов директорликка тайинлангач хўжаликда ишлар юришиб кетди. Совхозда ғўзанинг ривожланиши ёмон эмас. Бошқа деҳқончилик экинларидан ҳам мўл ҳосил олинмоқда.

Н. М. Ведишин: — Кадрлар билан ишлаш масаласи кун тартибидан тушмаслиги керак.

Р. Нурматов: — Шундай-ку-я, лекин кадрлар тайёрлашда аниқ система йўқ. Менимча қандайдир система ва механизм бўлмоғи лозим. Акс ҳолда раҳбарлик лавозимларига тасодифий, нолойиқ кишилар ўрнашиб қолмоқдалар. Бу ҳақда газеталар редакцияларига келаётган ташвишли хатлардан ҳам маълум.

И. А. Каримов: — Чиндан ҳам кўпчилик хўжалик раҳбарларида билим ва малака, раҳбарлик таланти етишмайди. Бунинг сабаби нимада? Бизда ҳадеб раҳбарни тез-тез алмаштираверишнинг принципсиз, бўш, қобилиятсиз директор ёки раиснинг ўрнашиб қолишига имкон берди. Ўнлаб хўжаликларда директорлик ва бригадирлик лавозимларига тайёргарликка эга бўлмаган кадрлар келиб қолишди. Бундай фикрларни айрим райком секретарлари ва райижроком раислари мисолида ҳам кўриш мумкин. Одамлар уларни фақат лавозими учун ҳурмат қилишади. Николай Михайлович тан олганидек, бу соҳада қайта қуриш суст. Кадрлар тайёрлашда истиқболни назарда тутмоқ керак. Энг муҳими, бу ишда ошкоралик лозим.

Р. Н. ИВАНУШКИНА, Қарши тикувчилик бирлашмаси ишчиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси: — Демократия ва ошкораликда бирмунча олға қадам ташландик. Бу борада конференция Резолюциясида конкрет вазифалар белгилаб берилган. Кундалик ҳаётда ошкоралик кенг тус олмоқда. Бирлашмамизда 1,5 минг ишчи ва инженер-техник ходим меҳнат қилмоқда. Бироқ уларнинг нормал ишлаши учун маиший шароит етарли эмас. Маданий ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши бир неча йиллардан бери чўзиляпти. Масалага республика Енгил саноат министрлиги бефарқ қарамоқда.

К. СОДИҚОВ, «Узбекнефтегазгеология» бирлашмаси партия комитети секретари: — Коллективимизда 40 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб меҳнат қилмоқда. Аммо баъзи кишилар демократия ва ошкораликни нотўғри тушунишмоқда. Боқимандалик кайфиятига берилаётганлар ҳам бор. «Уни қилиб бер, буни олиб бер» деб талаб қилувчилар кўпайди. Бирлашма микрорайонида зарур социал шароитлар яратилган, болалар спорт майдончалари қурилган бўлса-да, айрим кишилар ҳамон норозилар.

Р. ОМОНОВ, Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз директори, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати: — Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида йўлимиз аниқ ва равшан: иқтисодий ислоҳот хўжаликни бошқаришнинг янги системасига ўтиб ишлашдан иборат. Конференциянинг М. С. Горбачев доклади юзасидан резолюциясида иқтисодий ислоҳот талаблари аниқ ўз ифодасини топди. Хўжалигимизда демократия ва ошкораликка турли хил ёндашувлар учраяпти. Биринчиси, асосий кўпчилик тўғри йўлдан боряпти. Иккинчиси, демократиялашни бўғувчилар, ўзини ҳимоя остига олувчилар ҳам бор. Учинчи тоифа кишилар ошкоралик ва демократияни суиистеъмол қилишяпти. Бўлим ва бригада бошлиқлари сайловида бу лавозимга ўзларининг йўл-йўриғидан чиқмайдиган принципсиз кишиларни сайлашяпти. Ошкоралик шароитида «жойларда нега мактаб етишмайди, нега ҳаммом йўқ» деган таъналарни эшитамиз. Бу — адолат юзасидан айтганда ҳақконий талаб. Бироқ бу масалаларни бир-икки кунда ҳал этиб бўлмайди-ку? Талабнинг ҳам чегараси бўлиши керак. Хўжалигимизда қайта қуришга бел боғлаб киришган ўнлаб, юзлаб ажойиб коммунист ва комсомоллар бор.

Ш. Алланазаров: — Рахматулла Омоновнинг гапларида жон бор. Ички имкониятларни тушунмасдан ошкора талабларни қўяверииш, боқимандалик қилаверииш — бизнинг қуйи бўғинларда етарли даражада оммавий-сиёсий ишлар олиб борилмаётганлигимизнинг оқибати. Маълумки, социал масалаларни бирданига ҳал этиб бўлмайди. Биргина Энгельс номли колхозда шу соҳадаги талабни қондириш учун 9 миллион сўм маблағ керак бўларкан.

С. ХОЛБОЕВ: — Демократия ва ошкоралик ишимизнинг мағзини ташкил этиши зарур. Бироқ айрим раҳбарлар кўп нарсани халқдан яширишга уринишади. Яқинда мени райкомга учрашувга таклиф этишганда мен оддий меҳнаткашлар билан учрашмоқчи эканлигимни дангал айтдим. Чўпонлар, механизатор ва сувчилар қалбига қўл солиб, кўп нарсаларни илғаб олиш мумкин. Улар қизил сўзларни, ҳадеб бўлар-бўлмас ваъдаларни ёқтиришмайди. Чин кўнгилдан сўзлашади.

И. А. Каримов: — Демак, қайта қуришни ҳар ким ўзидан бошламоғи керак. Бунда партия комитетларининг кишиларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш фаолияти катта роль ўйнайди.

Н. К. УЛЖАБОЕВА, Қарши давлат педагогика институти ректори: — XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида мамлакат экономикасини кучайтиришда ёшлар қўшаётган муҳим ҳисса, йигит-қизлар тарбияси билан боғлиқ муаммолар алоҳида таъкидланди. Ёшлар тарбиясида мактаб, коллектив, оиланинг алоҳида ўрни бор. Уларнинг дунёқараши қанчалик шаклланган бўлса қайта қуришдаги иштироки ҳам шунча салмоқли бўлади. Афсуски, кўпчилик ота-оналар, комсомол ташкилотлари бунинг моҳиятига тушунмаяптилар.

Н. М. Ведишин: — Ҳа, ёшлар тарбияси ташвишли масала бўлиб турибди. Комсомол ташкилотлари асосий эътиборни қайта қуришга қаратиб, демагогликка, ҳар нарсани бир қолипга солишга барҳам бермас эканлар йигит ва қизларимиз дунёқарашини тубдан ўзгартириб бўлмайди.

И. А. Каримов: — Шунга эътироф этиш керакки, ошкоралик ва демократия турмушимизни янгилаяпти, ижтимоий фаоллигимизни ошираяпти. Шу жиҳатдан ҳам қайта қуриш йўлидан чекинмаслигимиз керак. Бюрократизмдек социал иллатга қарши кураш партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг бурчидир.

Давра суҳбатида, шунингдек, «Кашкадарьинская правда» газетаси редактори В. А. Соснин, область комсомол комитетининг иккинчи секретари П. Д. Семенов, область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири С. Исмоилова ва бошқалар ҳам XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси резолюциялари, ўртоқ М. С. Горбачевнинг докладини зўр қониқиш билан ўқиб-ўрганганликларини таъкидлаб, ўртага қўйилган долзарб вазифалар, муаммолар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Суҳбат ўзаро баҳс-мунозара, эркин фикрлашув, ишчанлик руҳида ўтди.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» газетаси мухбири М. КАРОМОВ ёзиб олди.

«ОҚ ОЛТИН»НИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Пахта комплексида баҳо белгилаш муаммолари

Матбуотда вақти-вақти билан республика давлат қарамоғида эканлиги ҳақида материаллар бериб турилибди. Бундай боқимандалик қаердан пайдо бўлди, нима учун Ўзбекистон ривожланишнинг муҳим йўналишлари — миллий даромад ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, фондлар самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Иттифоқимиздаги ўртача даражадан орқада қолмоқда!

«КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленуми қарорлари асосида халқ хўжалигини бошқаришни тубдан қайта қуриш проблемалари»га бағишланган Бутуниттифоқ семинарида СССР молия министрининг ўринбосари В. К. Сенчагов айтган маълумотга кўра ҳозир бешта иттифоқдош республика: Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистон иттифоқ бюджетидан дотация олади. Бундай етишмовчилик муаммоси анча мураккаб. Буни биргина Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Ўзбекистон асосан пахта етиштирувчи республикадир. Пахта жуда фойдали товар бўлиб, у аҳоли учун ниҳоятда зарур ва бюджет учун анча маблағ беради. Аммо ҳозир оборот солиғи пахта етиштириладиган жой бўйича эмас, балки уни реализация қилинадиган жой бўйича олинади. Агар пахта Белоруссияда қайта ишланса, унда Белоруссия даромад олади, агар РСФСРда қайта ишланса, шу республика тегишли даромадни олади.

Пахта комплексидаги тарихан юзага келган улгуржи ва харид нархлари, транспорт тарифлари системаси ҳар доим ҳам амалдаги харажатлар ва натижаларни ўзида акс эттирмайди. Буни кўпроқ қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг нисбатан пастлиги, янги конструкциядаги пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш ва кенг жорий этиш, заҳарсиз дефолиантлар яратиш ва ўзлаштириш, селекция ишларини ривожлантириш ва гўзанинг янги навларини мақбул равишда районлаштириш, Орол денгизи экологияси муаммоларини ҳал этиш ҳамда республика учун ҳаётий зарур бўлган бошқа кўплаб техник, социал-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш йўлидаги идоравий ва бошқа ғовлар билан изоҳлаш мумкин.

Шунинг учун аввало, пахтачиликни таъминлайдиган барча тармоқларнинг ҳамма ҳаражатларини аниқлаш ва баҳолар таркибига киритиш лозим. Чунончи, пахтачилик хўжаликлари қишлоқ хўжалик техникасини саноатнинг улгуржи баҳоларидан паст бўлган нархларда олишади. Масалан, чигит экадиган универсал СХУ-4 сеялкасининг улгуржи нархи 1500 сўм бўлгани ҳолда хўжаликларга 950 сўмга берилади. Нархи 9830 сўмлик 14хВ-2 пахта териш машинаси 8900 сўмдан сотилади. Худди шундай ҳолни минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш, саноат ва қурилиш хизматининг бошқа турларида ҳам кўриш мумкин.

Бундай «баҳолашни қайчилаш» республика миқёсида миллионлаб сўмларни ташкил этади ва уларнинг ўрни бюджет, яъни давлат маблағлари ҳисобига қопланади.

Суғориш учун текинга берилаётган сув ҳам пахта таннархида акс этмоғи керак. Сувга пул тўлаш барча харажатларни ҳисобга олишнинг зарур шарти сифатида халқ хўжалик аҳамиятигагина эга бўлиб қолмай, хўжалик ҳисоби шароитларида ундан тежаб-тергаб фойдаланиш омили ҳамдир. Шуни эътиборга олиш керакки, ҳар йили республикамизда ерларни ирригациялаш ва мелиорациялашга бюджетдан бир миллиард сўмга яқин маблағ ажратилади. Сувга ҳақ тўлашни жорий этиш сув хўжаликларининг тўла хўжалик ҳисобига ўтишига имкон беради. Давлат бюджети эса уларни имтиёзли равишда сақлашдан озод бўлади.

Пахта теримига бошқа тармоқлардаги ишловчиларни қўшимча равишда жалб этишга кетадиган халқ хўжалиги харажатлари ҳам тўла ҳисобга олинмайди, лекин бу пахта таннархига таъсир кўрсатади. Аслида бу харажатлар пахтачилик чиқимларига эмас, бошқа тармоқлар чиқимларига тааллуқлидир. Бундай харажатлар йилига бир неча юз миллион сўмни ташкил этади.

Баҳо механизми орқали харажатларни бундай сунъий «пасайтириш» партиянинг иқтисодий ва тежамкорлик йўлига мутлақо мос келмайди, аксинча ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўлига ғов солади.

Масаланинг моҳияти пахта таннархига кирган барча харажатларни ҳисобга олиш ёки олмасликда эмас. Чунки бу билан у камайиб қолмайди. Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра пахтачиликни ривожлантириш ва фаолият кўрсатиши учун халқ хўжалиги томонидан сарфланадиган барча харажатлар унинг ялпи маҳсулоти, таннархини 40 процент атрофида «оширади». Худди шунинг ўзи пахтачиликдаги барча харажатларни тўла ҳисобга олишга қаршилик қилувчиларга дастак бўлиб хизмат қилади. Аммо ҳамма асосланган харажатларни тўла ҳисобга олиш зарурлигини иккор этувчи айрим мутахассисларнинг маҳкамачилик, маҳаллийчилик, аниқроқ қилиб айтганда сохта жонкуярлик хатти-ҳаракатлари молиякредит ва экономикани баҳолар орқали тартибга солишни тўла тушунмаслик оқибатидир.

Ялпи маҳсулот таннархининг «ўсиши» фақатгина харид нархларини ошириш ҳисобига қопланиши мумкин. Бунда бюджет харажатлари шунча миқдорга қисқаради. Шундай қилиб, уларнинг акс этиши қўшимча давлат харажатларига олиб келмайди.

Пахта тозалаш заводларида харажатларни ҳисобга олиш методикаси масалалари ҳам долзарб ҳисобланади. Ҳозир ҳамма харажатлар пахта толасига тўғри келади. Мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган чигит, линт ва бошқалар заводларда калькуляция қилинмайди ҳамда «иккинчи даражали» маҳсулотлар сирасига киритилади. Яхшиямки улар ишлаб чиқариш чиқиндиларига қўшиб юборилмайди.

Улгуржи баҳоларда транспорт харажатларини ҳисобга олишда ҳам кўпгина етилмаган масалалар бор. Масалан, Ўзбекистон шароитида кўпгина хом ашё турлари фронкостанция баҳосида, яъни маҳсулот етиштириладиган райондан истеъмол қилинадиган районгача бўлган транспорт чиқимлари тўланган ҳолда ташиб кетилади. Айни маҳалда пахта толаси, пилла хом ашёси ва бошқаларни фронкостанция баҳосида пояслар бўйича дифференцияланмаган ҳолда ташиб кетадилар. Бунинг натижасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. Искандаров исботлаганидек, тўқимачилик саноатини хом ашё базасига яқин жойда ривожлантиришнинг иқтисодий афзаллиги йўқолади, транспорт чиқимларини камайтиришдан пахта етиштирувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам модий манфаатдорлиги кескин пасаяди.

Пахта комплекси муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш унинг халқ хўжалик натижаларини тўғри белгилашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Статистика давлат комитетининг таркиб топган методикасига кўра пахтачиликда юзага келтириладиган даромаднинг асосий қисми пахтадан пировард маҳсулот: газмол, ёғ, совун ва бошқалар ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари оборот солиғи формасига тааллуқлидир. Бу билан соф даромад ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган жой чалкаштириб юборилади (Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг атиги 7-8 процентигина қайта ишланади).

Бироқ бу иқтисодий парадокс (мантиққа тўғри келмасликка) ҳамма ерда ҳам ҳисобга олинмаётир. Масалан, тегишли органлар томонидан тасдиқланган капитал маблағлар, асосий фондлар ва янги техника самарадорлигини аниқлаш методикаларида пахта комплексининг кўпчилик тармоқларида яратилган соф даромаднинг ҳаммаси эмас, фақатгина реализация қилинган (фойдаланилгани) ҳисобга олинади. Ана шундан амалдаги иқтисодий беэманиликлар ва республика экономикасининг дотацияда эканлиги ҳақидаги нотўғри қарашлар келиб чиқади.

Бизнинг ҳисобларимиз ва бошқа турли ташкилотлар, шу жумладан, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳисоб-китобларига кўра бир тонна пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пировард маҳсулотлар (газмол, ёғ ва бошқалар) баҳосидан мамлакат бюджетига 1200 сўмдан 1800 сўмгача оборот солиғи тушади. Республикада етиштирилган ҳосилга қараб ҳисобланганда бу рақам йилига 6-7 миллиард сўмни ташкил этади.

Яна таъкидлаймизки, пахтачилик таннархига халқ хўжалигининг ҳамма харажатларини киритиш давлат бюджети манфаатларида акс этмайди. Чунки улар таркиб топган баҳолар шароитида бюджет маблағлари ҳисобига қопланади. Таклиф этилаётган баҳоларда эса пахта комплексининг ҳамма тармоқлари ҳисобига қопланади. Ортиқча даромадни оборот солиғи ўрнига пахтачиликнинг рента тўловлари формасида олиш давлат бюджетини илгариги ҳажмда юзага келтиришга имкон беради ва чакана нархларнинг ортишига олиб келмайди. Шундай қилиб, пахта комплексида нархларни такомиллаштириш маҳаллий, регионал масалагина бўлиб қолмай, муҳим умумдавлат масаласидир.

Ҳозирги юзага келган баҳо нисбатларида пахта комплексининг амалдаги иқтисодий имкониятлари юқори бўлишига қарамай, комплекснинг роли ва ўрни, унинг халқ хўжалик самарадорлиги етарли равишда тўғри баҳоланмаяпти ва акс эттирилмаяпти. Масалан, ҳамма харажатлар ва натижалар баҳоларда тўғри акс эттирилса, қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси республика ижтимоий ялпи маҳсулотида 30 процентга, миллий даромад эса 15-20 процентга ошган бўларди. Шундай қилиб, республика экономикасининг дотацияда бўлишига барҳам бериларди. Амалдаги баҳоларда «фойдаланилган ва яратилган» категориялар қалбакидир.

Мамлакатимизнинг пахта комплекси қатор иттифоқдош республикаларни қўшиб ҳисоблагандаги иқтисодий потенциалдан устун туради: Социалистик мамлакатларнинг тўқимачилик хом ашёсига бўлган талабини 30 процентдан 90 процентгачаси совет пахтаси ҳисобига қондирилади. Шуни ҳисобга олиб, уни регионал эмас, балки СССР агросаноат комплексининг умуммиллий маҳсулдор бўғини, деб қараш тўғридир. Бундай қудратли, кўп тармоқли иқтисодий системани пировард натижаларга қараб бошқариш мураккаб ва кўп планли вазифадир. Уни муваффақиятли ҳал этиш учун пахта агросаноат комплексини ташкилий-иқтисодий шакллантириш ишларини авж олдириш зарур.

Республикамиз экономикасининг аниқ салмоғи, унинг мамлакатимиз ялпи ҳалқ хўжалик комплексидаги ҳиссаси тўғри ўлчанган баҳоларнинг янги системаси ўн учинчи беш йиллик бошидан кучга киради. Республика экономист олимлари, мутахассисларининг бурчи бу концепцияни ишлаб чиқишга ўз таклиф-истаклари билан ҳисса қўшишдан иборат.

П. НОСИРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг хўжалик механизми ва баҳонинг белгиланиши бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари доктори.

• *Хўжасизлик—қайта қуриш душмани*

Фойда-зарарнинг фарқига боришда савдо ходимларининг олдига тушиш қийин. Лекин биз Ўзбекистон ССР Савдо министрлигида ва унинг бўлинмаларида нефть маҳсулотларидан фойдаланиш аҳволи билан танишар эканмиз, гапнинг рости, уларнинг ишига таажжубландик. Бўлинмалардаги хўжасизлик кишини ҳайрон қолдиради. Наҳотки, қилни қирқ ёрадиган савдо ходимлари ёнилғи- мойлаш маҳсулотларининг нест-нобуд бўлишига шунчалик бефарқ қарашса?!

Министрлик бўлинмаларида нефть маҳсулотларидан фойдаланиш аҳволи илгари ҳам текширилиб, қатор жиддий камчиликлар аниқланган эди. Хусусан автомобилларнинг аксариятида спидометрлар ишламаслиги, йўл варақалари ва юк-транспорт ҳужжатларини расмийлаштиришда қатор нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг ҳисобини юритиш, уни тарқатиш қониқарсизлиги кўрсатиб ўтилганди. Хўжасизлик ва исрофгарчиликка йўл қўйгани учун министрликдаги қатор мансабдор шахслар жазоланган эди.

Орадан ўтган вақт ичида ишда қандай ўзгаришлар бўлди, аҳвол яхшиландими, деган саволларга ҳали ҳам ўша камчиликлар давом этмоқда, деб жавоб бериш мумкин. Министрликнинг баъзи бўлинмалари, 43 та савдо бошқармаси ва ташкилот текширилганда шу пайтга қадар аниқ ва ишончли ҳисобот йўлга қўйилмаганлиги аниқланди. Ёнилғи сарфи ҳисобини юритиш шу қадар чалкашки, ҳеч бир рақамга, кўрсаткичга ишониб бўлмайди. Давлат план комитети томонидан ёнилғи сарфининг нормалари берилган бўлса-да, у ташкилотларнинг аксариятига етказилмай, министрликда қоғозлар орасида қолиб кетган. Буниси ҳам майли-я, қўйи бўлинмалар учун юк ташиш планлари белгиланиб, тасдиқланган бўлса-да, улар ҳамон тегишли жойларга жўнатилмаган.

Ёнилғидан тежамли фойдаланганларни мукофотлаш, ортиқча сарфлаганларга жарима солиш тартибини ишлаб чиқиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Нефть маҳсулотларидан самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилган ташкилий-техникавий тадбирлардаги рақамлар ҳисоб-китобсиз, расмиятчилик учунгина ёзиб қўйилган.

Министрликда кичик автохўжаликларни йириклаштириш бўйича бажарилаётган ишлар ҳам ниҳоятда қониқарсиз. Аввал текширилган автохўжаликларнинг 60 фоизидан ортиғида 10 та ва ундан кам машина борлиги таниқид қилинган эди. Ўтган уч йил ичида ишда қарийб ўзгариш бўлгани йўқ. Бу ҳақда партия ва ҳукуматимизнинг махсус қарори бўлса-да, у бажарилмай келинмоқда. Министрликдагилар ўжарлик билан автокорхоналарни йириклаштиришни исташмаяпти. Ҳозир бу тармоқда 154 та автомобиль хўжалиги бўлиб, шунинг 70 дан зиёдида биттадан тўқиз-тўқиз-тагача машина бор. Аҳвол шундай бўлгандан сўнг бу машиналарнинг бажарган ишини, ёнилғи сарфини ҳеч ким назорат қилмайди. Ҳайдовчи хоҳласа машинани уйига, хоҳласа гаражга қўяди. Бундай шароитда транспорт воситаларига техник қаров ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ҳисоблаб йилига кам эмас 1.600 тоннадан зиёд бензин сарфланишини айтганимизда, улар йўқотилган нарсаларини топиб олгандек хурсанд бўлиб кетишди.

Намангана шаҳар умумий овқатланиш трести ихтиёрида 67 та мотороллер бўлсада, шуларнинг бор-йўғи 18 таси бензин билан таъминланади, қолгани «ризқ»ини кўчадан териб ейди, яъни «йўлини» топади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Министрликда гоҳо шарт-шароитлар ҳисобга олинмай кўзни чирт юмиб, кимга қанча хоҳласа шунча ёнилғи бериляпти. Баъзиларга ҳотамтойлик билан ошириб тошириб улашилмоқда, бошқаларга эса...

Ярамас иллатларга қарши қатъий кураш олиб борилаётгани айни пайтда министрлик бўлинмаларида ҳали ҳам қўшиб ёзиш, турли кўзбўямачиликлар ва ҳисоботдаги чалкашликларнинг давом этиб келаётгани кечирилмас ҳол. Таассуфки, министрликнинг бевосита ўзида ёнилғи сарфи ҳақидаги ҳисоботлар чалкаш, рақамлар ўртасидаги фарқ ниҳоятда катта. Ҳужжатларда ўтган йилнинг биринчи ярмида 250,7 миллион километр юк ташилгани ва 66 минг 716 тонна бензин тежаб қолингани маълум бўлади. Бу ақлга сиғмайдиган рақам. Ҳеч замон олинганидан кўп тежаб қолинмайди-ку.

Бу борада Тошкент шаҳар умумий овқатланиш бошқармаси бошқаларга «намуна» бўлмоқда. Бошқарма юк ташиш машиналари бир йил ичида белгиланганидан 23 баравар кўп, яъни 205,7 миллион тонна-километр иш бажарган. Бу рақамларга асосланиб ҳисоблаб чиқсак 1 тонна-километр иш бажариш учун 1,7 грамм бензин сарфланганлиги ойдинлашади. Машинани ўт олдириш учунгина ундан кўпроқ бензин сарф бўлишини эндигина шоферлик гувоҳномаси олган ҳайдовчи ҳам яхши билади. Бошқарма бўлинмаларида эса шу миқдордаги бензин билан ҳатто юк ташилган. Қўшиб ёзиш, қаллоблик бундан ортиқ бўладими? «Ўзтекстильторг»нинг базасида ўтган йилнинг биринчи кварталида юк ташиш машиналари 42 минг километр йўл юргани ва 17,7 минг литр бензин сарфланганлиги ҳисоботларда ёзилган. Ярим йиллик ҳисоботларда эса бу рақам нима сабабдандир ярмига камайиб кетган. Наманган шаҳар озиқ-овқат савдосида ҳисоботларга кўра 3.710 километр масофа ва 24 мингдан зиёд тонна-километр қўшиб ёзилган ҳамда 1700 литрдан кўп бензин ҳавога совурилган.

Қатор ҳолларда Тошкент шаҳар савдо бош бошқармасининг ходимлари қуйи бўлинмаларни ҳисоботларга қўшиб ёзишга ва чалкашликларга мажбур қилаётганликлари таажжубланарли. Фрунзе район озиқ-овқат савдосининг бўлим бошлиғи Дерябина ҳисоботда машиналар 57 минг километр йўл юриб 16,5 тонна бензин сарфланганлигини ёзиб келганида бу рақамлар бош бошқарма ходимларига ёқмай қолди. Улар бу рақамларни уч маротаба ўзгартириб ошириб-тошириб — 265,8 минг километр йўл юрилганлиги ва 31 тонна бензин сарфланганлиги ҳақида қалбаки ҳужжатларни тайёрлаб қўйишган.

Шу каби кўзбўямачилик С. Раҳимов район озиқ-овқат савдоси ва «Ташобувьторг»да ҳам рўй берган. Буларнинг ҳаммаси йиллар давомида ҳеч қандай назоратнинг йўқлиги, иш тамоман ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, ўзи хон, қўланкаси майдон, кўнглига келган рақамини ёзиб қўяверадиган савдо ходимларининг ўзбошимчалиги оқибатида рўй берган.

Енгил машиналардан фойдаланишда ҳам умуман тартиб йўқ. Текширилган 8 та ташкилотда енгил машиналарга белгиланганидан 37 минг литр бензин ортиқча сарфланган. Қарийб барча ташкилотларда техника учун ёнилғи қандай сарфланаётганлиги ҳисобини юритиш қониқарсиз, йўл варақалари қоидага хилоф равишда пала-партиш тўлатилмоқда. Ҳужжатлар айрим жойларда ҳайдовчиларнинг ўзида сақланмоқда. Шоферлар ўзбошимчалик билан йўл варақаларига хоҳлаган рақамларини ёзиб олишмоқда.

Текширишдан сўнг маълум вақт ўтди. Бундай хўжасизлик фактларини, уни келтириб чиқараётган сабабларни Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитети ва Савдо министрлигининг қўшма коллегиясида кўриб чиқиш кўзда тутилган эди. Лекин Давлат нефть инспекциясининг бу таклифи яна министрликдаги ўртоқларнинг масъулиятсизлиги оқибатида бажарилмай қолди. Текшириш якунлари бўйича министрлик томонидан чиқарилган буйруқнинг тўққизта бандида «эътибор қаратилсин», «шошилинч тадбирлар белгилансин», «кўрсатиб ўтилсин» каби умумий сўзлар ва иборалардан нарига ўтилмаганлигини кўриш мумкин. Наҳотки нобудгарчиликка, қўшиб ёзишларга йўл қўйганларни жазолаш учун министрликдаги ўртоқларнинг кучи етмаса? Шундоқ бўлгандан сўнг, эски тос, эски ҳаммом деганларидек яна ўша камчиликлар давом этиши турган гап. Жарима эса давлат ҳисобидан тўланмоқда. Бу борада чамаси министрлик ва унинг бўлинмаларида принципиал ва қатъий иш олиб борадиган, ҳар қандай тартиббузарлик ва интизомсизликка қарши кескин кураш эълон қиладиган пайт келди. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ф. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Давлат нефть инспекциясининг бошлиғи.

А. КОМИЛОВ,
С. САЛИМОВ,
инспекторлар.

ЎЗБОШИМЧАЛИК

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигида ва унинг бўлинмаларида нефть маҳсулотларидан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани хусусида

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Янгийўл районидаги «Октябрь» колхози деҳқонлари бу йил 600 гектар майдонга экилган ғўза ниҳолларини меҳр билан парваришлаб қилмоқдалар. Шу пайтгача 30 чопиқ трактори билан беш марта ишлов берилди. 40 дан ортиқ сувчи ғўзаларга сув тарамоқда.

Суратларда: Бригада бошлиғи М. Сайидхўжаева ва экинларга ишлов бериш пайти.

А. Тўраев фотолари.

Дунё воқеалари

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ХАБАРЛАРИДАН

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Польшада бўлиши халқаро оммавий ахборот воситаларининг етакчи мавзуи бўлиб турибди. Польша газеталари, радиоси, телевиденнеси Совет раҳбарининг Варшава, Краков, Шчецин меҳнатчилари билан учрашувлари, унинг Польша раҳбарлари билан суҳбатлари тўғрисидаги батафсил репортажларни бермоқдалар, дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини таъкидламоқдалар. «Трибуна люду» газетасининг таъкидлаб ёзишича, Польшанинг янгиланиши ва Совет Иттифоқининг қайта қуриши — социализмни ривожлантиришнинг биргаликдаги йўлидир. «Речь Посполита» газетаси Совет раҳбарининг Шчецинда бўлишини поляклар иккала мамлакатнинг Европа хонадонига янги муҳит барпо этиш муддаосини акс эттирувчи тимсол деб қабул этдилар, деб уқтиради. «Жиче Варшави» газетасининг таъкидлашича, Шчецин поляк чегаралари бузилмаслигининг тимсоли, гитлерчилар фашизми устидан қозонилган ғалаба натижасида тикланган тарихий адолатнинг рамзи бўлиб турибди ва шундай бўлиб қолади. Франциядаги ТФ-1 телекомпанияси ҳамма жойда М. С. Горбачевни поляклар жуда самимий кутиб олаётганликларини қайд этади.

Кўпгина газеталар М. С. Горбачев Польшада ўртага ташлаган янги совет ташаббусларига юқори баҳо бермоқдалар. ГДРдаги «Нойес дойчланд» газетаси ҳарбий мухолифликни камайтиришга оид янги совет ташаббусларини шарҳлаб, уларни «ўз вақтида қилинган бениҳоя муҳим» ташаббуслар деб атади. Бу таклифлар, деб таъкидлайди газета, ишончни вужудга келтиришга, Европада хавфсизликни мустаҳкамлашга ва қуролсизланиш жараёнини янада давом эттиришга қаратилган. ГФР ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер Ғарбий Германиядаги АРД компанияси мухбири билан суҳбатда Совет Иттифоқининг Умумевропа конференциясини чақириш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Унинг фикрича, оддий қурол-яроғларни қисқартиришнинг М. С. Горбачев таклиф этган босқичма-босқич плани СССРнинг бу соҳада ҳам ҳақиқий қуролсизланишга ўтиш ниятлари жиддийлигидан далолат беради.

Греция ҳукумати экономика ва мудофаа соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама шартноманинг амал қилиниши тўхтатилишидан Қўшма Штатларни хабардор қилди, шу шартнома асосида Греция территориясида Американинг ҳарбий базалари жойлаштирилган эди. Англиядаги «Дейли телеграф» газетаси шу ҳақда хабар қилиб, Афина шу йилнинг охиригача ҳамкорлик тўғрисидаги беш йиллик битим тугаши биланоқ Американинг Греция территориясида ҳамма базалари ёпиб қўйилиши керак, деб таъкидлайди.

Англиянинг «Файнэншл таймс» газетаси Нью-Йоркда Африка жанубидаги аҳволни бартараф этиш юзасидан АҚШ, Ангола, Куба ва ЖАР иштирокидаги тўрт томонлама музокаралар тугаганини хабар қилиб, томонлар «Жануби-Ғарбий Африка муаммоларини тинч ҳал этиш принциплари» тўғрисида бир битимга эришганликларини айтганларидан сўнг Анголадаги урушга чек қўйиш ва Намибияга мустақиллик бериш вақти яқинлашиб қолди, деб тахмин қилади. «Нью-Йорк таймс» газетаси янги битим ЖАР, Ангола ва Куба ҳукуматларининг тасдиғига топширилиши керак, деб таъкидлайди.

(ТАСС).

БАХТАР АГЕНТЛИГИНИНГ ШАРҲИ

Бахтар агентлиги Покистоннинг Афғонистон ички ишларига тобора кенг миқёсда аралашаётганлиги хусусида шарҳ эълон қилди. Шарҳда чет элларда эълон қилинган манбаларга таяниб, сўнгги вақтда хориждан Тахар, Қундуз, Боғлон, Капис, Парвон вилоятларига ва бошқа вилоятларга қурол-яроғ ва ўқ-дори ортилган карвонлар келганлиги ҳақида маълумотлар бор. Покистон солдатларининг афғон армиясига қарши уруш ҳаракатларидаги иштироки давом этмоқда. Масалан, яқинда Покистон солдатларининг бир группаси Гардез шаҳри районида жанг қилди, Покистон офицери 20 кишилик группа составида оппозициянинг жанговар ҳаракатлари самарадорлигини кўздан кечириш мақсадида Нангарҳар вилоятига келди. Илгари миномётлардан отишни ўрганган экстремистларга Покистонга қайтиб, оғир артиллерияни ўрганиш тўғрисида кўрсатма берилди.

Шундай қилиб, деб таъкидланади шарҳда, Исломобод Афғонистондаги биродаркушлик урушини авж олдирмоқда.

(ТАСС).

ТЎНТАРИШГА УРИНИШ

Либерия хавфсизлик кучлари чоршанба куни қуроллн давлат тўнтариши қилиш йўлидаги яна бир уринишни бостирдилар.

Франс Пресс агентлигининг Монровиядан хабар қилишича, мамлакат президенти Сэмюел Доу миллий радио орқали сўзлаган нутқида шу гапни айтди.

Унинг сўзларига қараганда, Гвинея билан Кот-дИвуар ўртасидаги чегара яқинида жойлашган тоғли Нимба районида ҳукумат қўшинлари билан бир гуруҳ фитначилар ўртасида отишма бўлган. Фитначиларнинг бир қисми ўлдирилган, қолганлари ушлаб олиниб, Либерия пойтахтига келтирилган.

Чет эл агентликларининг таъкидлаб ёзишича, шу йилнинг мартида Либерия ҳукумати мамлакат президенти С. Доуни ўлдириш мақсадини кўзлаган фитна фош этилганини эълон қилган эди. Фитнанинг тақиқланган Либерия бирлиги партиясининг раҳбари Габриэль Уильям Кполле бошчилигидаги қатнашчилари қамоққа олинган эди. «Хиёнаткорлик» да айбланган 14 фитначи устидан суд шу йилнинг августида ўтказилиши керак.

(ТАСС).

• *Фактлар • Шарҳлар*

◆ «Узглавмедхозснаб» республика базаси коллективи йил бошида ўз зиммасига мажбуриятлар олган ва бу мажбуриятларни тўла бажариш йўлида имкони бор барча тажриба ҳамда резервлардан унумли фойдаланишга

МУКОФОТ ПУЛИ—БОЛАЛАР ФОНДИГА

сўз берган эди. Жорий йилнинг биринчи кварталида якунлари база меҳнат аҳлининг аҳдига вафо қилишига шубҳа қолдирмади. Коллектив асосий кўрсаткичлар бўйича барча топшириқларни муваффақиятли адо этиб, социалистик мусобақа ғолиби деб топилди ва 400 сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Яқинда бошқарма коллективи умумий йиғилишида ана шу мукофот пулини Ленин номидаги Совет болалар фондига ўтказишга қарор қилинди.

А. МАННОПОВ.
Тошкент.

• *Шифокор билан мулоқот*

Синчковлик — фазилат

— Имтиҳонни Ҳасанов олянти! — аудиториядан чиққан студентнинг бу гапидан кўпчилик безовталана бошлади.

— Жа, қаттиқ сўрайди-да, — деди эшик олдида навбат кутиб турган йигит.

— Ҳа, энди анатомиянинг ичир-чикирини билмасанг, педиатр бўлолмайсан-да, оғайни, — дея жавоб қайтарди китобини варақлаётган бошқа студент.

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти қулоқ, томоқ ва бурун кафедраси мудири, профессор Саидакром Асқарович Ҳасанов билан учрашиб, студентлар даврасида бўлган бу гапни айтганимизда у мийигида кулди.

— Кўпчилик студентларимиз номигагина, имтиҳон топшириш учунгина ўқишади. Ваҳолонки, тиббиётда номигагина деган гап бўлмаслиги керак. Ахир, биз инсон саломатлиги посбонларимиз. Мени бир нарса қийнайди. Нима учун ҳозирги талабаларнинг билими пасайиб кетяпти? Бу тўқликка шўхликмикин. Ахир, ўқиш, ўрганиш, аудиторияда олган билимни янада пухталаш учун ҳамма шароит мавжуд бўлсаю, студентларимиз малакали мутахассис бўла олмаса. Тўғри, фидойи, жонкуяр, ҳақиқий шифокор бўлишни истаган талабалар бор.

— Балки ўқитувчиларнинг билим бериш савияси, методи ҳам бир хил эмасдир?

— Бу гапингизда жон бор, — Саидакром Асқарович стол устидаги газеталарни титкилай бошлади. КПСС нинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси Резолюциялари эълон қилинган газетани олди-да чизилган жойини ўқий бошлади:

— «Янги авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш КПССнинг, бутун жамиятимизнинг масъулиятли вазифасидир. Конференция ўрта ва олий мактаб ислоҳотини изчил ва жадал амалга оширишни талаб қилади. Бу гап уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам, энг муҳими — ўқитувчининг, муаллимнинг, тарбиячининг ролига ҳам тааллуқлидир.» Тўғри, беш қўл баробар бўлмаганидек, ҳамма шифокор ҳам яхши ўқитувчи бўла олмайди. Бироқ партиямиз қўяётган вазифани бажариш, республикада соғлиқни сақлаш ишини яхшилаш кўп жиҳатдан бизларга, ёш шифокорларни тарбияловчиларга боғлиқ эканини англашимиз керак. Бунда таълим-тарбия ишини ўқитилаётган предмет орқали олиб боришнинг аҳамияти катта менимча. Беморни биринчи бўлиб кўрган шифокор ўта синчков, билимдон бўлса, касалга қўйилган дастлабки диагноз албатта тўғри бўлади. Шунинг учун талабаларимга ишимизда синчковлик фазилат эканини қайта-қайта уқтираман.

Профессордан институт-нинг шу соҳадаги клиникасида қилинаётган ишлар ҳақида сўраганимизда, у бизга қулоғи чиноқ болаларнинг суратларини кўрсатди. Яқин-яқингача бундай болаларни даволаш мумкин эмасди. Ҳозир уч босқичда операция ва муолажа ишлари олиб борилгач, чиноқ қулоқли болалар буткул тузалиб кетишмоқда.

Иммунология фанининг ривожланиши шуни кўрсатадики, муртак бези инсон организми учун зарур экан. У ҳам ҳимоя, ҳам тўсиқ вазифасини бажаради. Шу сабабли ёшлар орасида кўп учрайдиган муртак бези яллиғланиши (хроник тонзиллит) касаллигини даволаш бўйича бу ерда хайрли ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари кўз ёши қопининг йирингли яллиғланишида бурун ичидан йўл очиб, 30-40 минутлик операция қилиш билан беморларни назла хасталигидан фориғ қилиш усуллари қўлланиляпти.

— Ниятларимиз кўпу бироқ... — С. Ҳасанов бироз тин олди, — жой масаласида қийналяпмиз. Олтмиш ўринли бўлимда ҳозир республиканинг турли областларидан келган беморлар бор. Уларнинг қанчадан-қанчаси эса шифохона остонасида навбат кутяпти. Бундай бўлмаслиги керак ахир. Тиббиётда система, давомийлик бўлмаса, беморга вақти-вақти билан қилинадиган муолажа бекор кетади. Қолаверса, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш учун соҳа ишларини марказлаштирсак бўлмасмикан? Шунга кўра кейинчалик республика марказларини очиш мумкин бўларди. Беморлар ҳам малакали тиббий ёрдам олишарди. Ахир, мақсадимиз ҳам шу-ку.

Мақсадга эришиш эса осон эмас, аммо Саидакром Ҳасанов бунга ишонади, бошқаларни ҳам ишонтиргиси келади.

У. ФАЙЗИЕВА.

Суратда: профессор С. Ҳасанов студентлар даврасида.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Ўзбекистон» нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида чоп этди.

Ч. Носирова. Ўзбек музика ленинномаси. 40 бет. Баҳоси 6 тийин.

Лениндек буюк инсон образи кўплаб ижодкорларга илҳом бахш этмоқда. Рисолада ўзбек музика ленинномаси, унинг тарихи, бугунги кунгача Ленин темасига бағишланган музикали асарлар, уларнинг жанри хусусида сўз юритилади.

И. Қосимов. Суғориш ҳақидаги ленинча ғоялар тантанаси. 30 бет. Баҳоси 6 тийин.

Китобчада Ўзбекистонда ленинча суғориш ғояларининг тантанаси атрофлича ёритиб берилган.

Б. Лунин. Лекторнинг йўли. Хотиралар ва мулоҳазалар. 38 бет. Баҳоси 6 тийин.

Рисолада тарих фанлари доктори, профессор Б. В. Лунин лекторлик иши юзасидан ўз тажрибаси, босиб ўтган ижодий йўли билан ўртоқлашади.

Т. Хабибуллин. Оилада ахлоқий тарбия. 38 бет. Баҳоси 6 тийин.

Китобчада актуал масала — ахлоқ ва ахлоқий тарбия, хусусан, оилада ахлоқ тарбияси ҳақида сўз юритилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

СИЗЛАРНИ ЎЗ ОТПУСКАНГИЗДА
8 АВГУСТДАН 22 АВГУСТГАЧА
ИЛИҚ, ТАБИАТИ МУЛОЙИМ АЗОВ ДЕНГИЗИ СОҲИЛИДАГИ БЕРДЯНСК ШАҲРИДА
ДАМ ОЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАД

Путёвка баҳоси — 331 сўм.

БЕРДЯНСК — Украина ССР нинг Запорожье областидаги шаҳар бўлиб, Азов денгизи соҳилига жойлашган. У бундан бир ярим аср муқаддам Берди дарёсининг ёйсимон денгиз кўрфазига қуйилиш ерида бунёдга келган.

Ҳозирги кунда бу шаҳар Азов шифохоналари, саноатлашган ўлка пойтахти, кемалар лангар ташлайдиган йирик портдир.

Бердянск курорт зонасининг шуҳрати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айниқса, бу ёз даврида яққол сезилади. Шаҳар аҳолиси бу пайтда дам олишга келувчилар ҳисобига бир неча марта ортиб кетади. 18 километрга чўзилган Бердянск ёйи ўзининг тенги йўқ пляжлари билан оммавий дам олиш ва даволаниш масканига айланган.

Нурга тўлган ёз қуёши, шифобахш денгиз ҳавоси, қизил лиманнинг шифобахш балчиғи дам олувчи ва даволанувчилар учун ажойиб имкониятлар яратади.

Бердянск мамлакатимизнинг исталган еридаги каби ўзининг меҳмоннавозлиги билан фахрланади. Бу ерда лейтенат Шмидт, Ульяновлар оиласи, машҳур учувчи аёл Полина Осипенко номлари билан боғлиқ жойларни муқаддас билиб сақлашади.

Бердянскда яшаган вақтларида туристлар шаҳар бўйлаб экскурсияга чиқадилар, ўлкашунослик ва бадиий музейларда, шаҳар ташқарисидаги Осипенко қишлоғида, Бердянск ёйида бўладилар. Ишлаб чиқариш экскурсиясига чиқадилар, денгиз бўйлаб катерларда сайр қиладилар.

Туристлар хусусий секторларда яшаб, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи ошхонада овқатланадилар.

12 ёшга тўлмаган болаларнинг дам олишига рухсат этилмайди, 12 ёшга тўлган ва ундан катта ёшдаги болалар учун путёвканинг тўла қиймати тўланган ва уларни кузатиб борувчи ота-оналари бўлган тақдирдагина уларнинг дам олишларига рухсат этилади.

Самолёт билан бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИ МТ-020 IVХЛЗ КОНТАКТЛИ ПАЙВАНДЛАШ ВА ҚАЛАЙЛАШ МАШИНАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

Машина кам углеродли пўлат симларни пайвандлаш ва шиналар, симлар, кабеллар, электр машиналарининг обмоткалари ва бошқа электр ускуналарни кавшарлашга мўлжалланган.

Шу турдаги бошқа машиналардан электр энергиясини кам сарфлаши ва вазнининг енгиллиги билан ажралиб туради.

МТ-020 IVХЛЗ контактлиги ва қалайлаш машиналаридан саноат тармоқлари ва қурилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Пул ўтказиш йўли билан корхоналарга реализация қилинади. Бу машиналарни харид қилиш масалалари юзасидан заводнинг сотиш бўлимига қуйидаги адрес бўйича мурожаат қилинсин: 700076, Тошкент шаҳри, Матросская кўчаси, 176-уй, телефон 91-57 41.



ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ

Жиззах область босмахонаси қошидаги
ШТАМПЕЛЬ-ГРАВЕР ЦЕХИ
корхоналар, ташкилотлар ва аҳоҳда гражданлардан штамплар ва печатлар тайёрлаб бериш учун
БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Мурожаат учун адрес: Жиззах шаҳри, Наримонов кўчаси, 5-уй, область босмахонаси. Телефон: 3-59-60.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
илмий тадқиқотларни автоматлаштириш лабораториясининг «Ахборотларни ишлаб чиқиш ва ахборотлар бериш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш» ихтисоси бўйича **катта илмий ходим**
вакант вазифасига
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати — 6 августгача.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 702132, Тошкент шаҳри, кадрлар бўлими. Телефон: 69-45-65.

ПРАВЛЕНИЕ БИНОСИ — БОЛАЛАРГА

Раис кечикиб келгани сабабли правление мажлиси вақтидан ярим соат кейин бошланди. У: «Бунинг сабабини мажлис якунида айтаман», деди. Кун тартибида ёш болаларни боғчага тортиш масаласи. Шу куннинг долзарб, муҳим иши. Чунки колхоздаги учта замонавий болалар боғчасида 332 нафар ўғил-қиз тарбия топмоқда. Бу боғча ёшидагиларнинг 30 процента, холос. Қолганлари уйларда, кўчада. Ҳар хил мулоҳазалар, таклифлар айтилди, лекин биронтаси ҳам конкрет, амалий эмасди. Район қурилиш ташкилотларининг қуввати кам. Уларга боғча-ясли қурилишига буюртма берилса, камида икки-уч йил кутиш керак. Ўртага жимлик чўкди. Ҳамма ҳайрон. Раис кабинетини кўздан кечирарди.

— Менда таклиф бор. Идорамиз қишлоқнинг энг яхши биноларидан бири, рози бўлсангизлар шуни болаларга берсак, — деди колхоз правлениесининг раиси Амин Вафоев.

— Кўчада қоламиз-ку. Қаерга кўчамиз? — ажабланди бош бухгалтер Қурол Отажонов.

— Бирон жой топилар... — Раис правление қаерга кўчирилиши мумкинлигини хаёлидан ўтказарди.

— Раиснинг таклифи тўғри менимча, — қувватлади колхоз партия комитетининг секретари Саъдулла Давлатов. — Бу жамиятимизнинг энг яхши нарсалар болаларга, деган шиорига амалий жавобимиз бўлади.

— Аслида кечикишим ҳам бугунги мажлисимиз сабабли. Колхозчи Йўлдошевани ҳаммангиз биласизлар. Меҳнаткаш, камтар аёл. Кўчада неварасини овутиб юрганида учратиб қолдим. Боғчада ўрин йўқлигидан неварасига энагалик қилишга мажбур эмиш. Шундан кейин педиатр-врач Зайнаб Ниёзматова, қурилиш инженери Янгибой Давлатов билан янги қурилган учта коттежни бориб кўрдик. Улар шу уйларни боғчага айлантирса бўлади, деяптилар. Маъқул кўрсангизлар шу уйларни ҳам болаларга берсак.

Шундай қилиб, Гурлан районидаги «Коммуна» колхози правлениеси колхознинг қўшқаватли, ҳашаматли маъмурий биносини боғларию, меҳмонхонаси билан, шунингдек янги қурилган коттеж типидаги 3 та янги уйни болалар боғчаларига айлантириш юзасидан қарор қабул қилди.

Кичкинтойларга ғамхўрлик — барчанинг иши

Бу колхоздаги 70 процентдан ошиқ мактабгача ёшдаги болалар боғчаларда тарбияланишига имкон беради. Айни кунларда колхоз правлениеси учун техника базасининг ёрдамчи хоналари мослаштирилиб ремонт қилиняпти. Коттежлар боғчага айлантирилмоқда. Тез орада колхознинг собиқ идораси болаларнинг шўх кулгуларига тўлади.

ИМКОНИЯТЛАР БОР, АММО...

Урганч районидаги «Пахтакор» колхозида мослаштирилган болалар боғчаси район санитария-эпидемиология станцияси томонидан ёпиб қўйилди. Боғчада оддий санитария қоидаларига риоя қилинмасди.

Колхоз меҳмонхонасида раис Тўра Янгибоев тушлик қилаётган экан. Салқин хонага юмшоқ гиламлар тўшалган, чиройли мебеллар қўйилган.

Колхозда 1300 дан ошиқ боғча ёшидаги болалар бор.

— Икки участкада жами 140 ўринли доимий, 25 ўринли мавсумий болалар боғчаларимиз ишлаб турибди, — деди раис, — яна 140 ўринли боғча қурмоқчимиз. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Келаси йил ишга тушади. Кейинроқ эса 280 ўринли боғча қурилишини бошлаймиз. Ҳозирча аҳволимиз шундай. Мавжуд болалар боғчалари етишмаяпти.

— Болалар боғчаларига бинолар излаб кўрмадингизларми? — сўрадик раисдан.

— Кўп изладик. Имкониятимиз йўқ.

— Колхоз меҳмонхонаси ҳам хоналари кенг, тузуккина экан. Олди соя-салқин, дарахтзорлар. Болаларга совға қилинса арзийди.

— Бу бино уларга бўлмайди, — чўрт кесди раис. Таажжубландик. Меҳмонхона раисга бўлармиш-у, болаларга йўқ.

Колхознинг «Юлдуз» болалар боғчаси қаровсиз. Болалар ташқарига чиқиб ўйнамоқчи бўлсалар қуёш тиғидан пана жой йўқ. Боғча тарбиячиси Бибижон Ибодуллаева кейинги бир ярим йилда мебель олинганини эслай олмади. Ҳолбуки 50 ўринли боғчада 75-80 бола тарбияланмоқда. Боғча ремонти бошланганига уч ойдан ошибди. Район қурилиш ташкилоти боғчага 3 та шийпон қуриб беришни пайсалга солиб келяпти.

— Бу қурилиш ташкилоти колхозимизда кўп иш қиляпти. Колхоз чорва фермасида ҳам қурилиш-ремонт ишларини бажарди. Шу сабабдан боғча ремонти чўзилди, шекилли, — дейди колхоз партия комитети секретари Ражаббой Абдуллаев.

Қизиқ, колхозда боғчалар ремонтидан кўра чорва фермаси аҳволи кўпроқ ташвиш туғдирар экан-да.

Колхознинг 32 бола тарбияланадиган «Баҳор» болалар боғчаси эски 7, узунаси 8 метрли фин уйчасида жойлашган. Унинг тор хоналарига 16 та болалар каравоти қўйилган. Болаларнинг бир қисми каравотларда, бир қисми эса полдаги тўшакларда ухлаб ётибдилар...

Боғча мудираси Раъно Абдураҳимова бу аҳволдан уялади.

— Нима қилайлик? Имкониятимиз йўқ-да, — дейди.

Колхоз меҳмонхонаси, гиламлар, мебеллар, баҳаво хоналар, соя-салқин дарахтлар кўз ўнгимиздан ўтди...

Ф. ЗОҲИДОВ,
И. ШОМУРОДОВ.
Хоразм области.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

• *Шахмат бурчаги*

МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР

ХАЛҚАРО АРБИТР М. МУҲИДДИНОВ БОШҚАРАДИ.

«Менинг учун шахмат ўйин эмас, балки санъатдир. Ҳа, шахматни мен санъат деб биламан ва бу санъат ўз тарафдорларига юклайдиган барча мажбуриятларни ўз зиммамга оламан... Шахмат аввало, объектив бўлишга ўргатади. Шахматда ўз хатолари ва камчиликларини фахмлабгина катта мастер бўлиб етишиш мумкин. Ҳаётда қандай бўлса, худди шундай».

Александр АЛЕХИН,
биринчи рус жаҳон чемпиони.

Масала ва этюдларни ўз ичига олувчи композицияни «шахмат позицияси» деб атаган киши ҳам Алехиндир. Сиз, азиз дўстлар салкам беш ой мобайнида яна бир бор бунинг гувоҳи бўлдингиз.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 70 йиллиғига бағишлаб ўтказилган юбилей конкурсига киритилган топшириқларга редакциямиз 15.000 га яқин жавоб мактублари олди! Чакана гапми, бу! Бунинг устига масала ва этюдларни соврин ёки разряд олишни кўзлаб ечгану, аммо жавобларни ёки уларни кўнгил хуши учунгина ечиб кўришга ҳаракат қилган мухлисларни айтмайсизми...

Биз, жюри аъзолари ҳозир ана ўша кўп «тер тўкиб» битилган хатларни синчиклаб ўқиб, конкурсни якунлаш устида бош қотиряпмиз.

«Этюдларни ечиш конкрет фикрлаш ҳамда аниқ ҳисоб юритишга ўргатади», — дейди М. Ботвинник.

Қуйидаги диаграммада А. Селецкий тузган (1933 й.) этюднинг якунловчи қисми акс эттирилган.



Масала ва этюдларда юриш оқлардан бўлишини биласиз, азиз дўстлар. Шундай қилиб...

1. Се2—а6+ Крс8—b8 (1...Крс7? бўлса, 2. Ке6+ ва қора фарзин кетади) **2. Фg5—g3+** (2. Ке6? бўлса, 2... Фd6! ва тахтадаги доналар сони ниҳоятда чекланганлиги туфайли қоралар мағлубиятдан қутулиб кетади. Масалан, 3. Фg8+ Кс8 4. Ф:с8+Кра7 ва ҳоказо. Ҳамма гап қора шоҳни «ҳибс»дан бўшатмасликда!)

2... Крb8—а8 3. Са6—b7+! Нималар бўляпти ўзи? Ҳозиргина «доналар чекланганлиги туфайли...» дегандикку?! Конкрет мақсад кўзда тутилмоқда. Жавоб мажбурий.

3... Се6:b7. 4. Кс5—d7! (4... Ке6 мақсадга элтмайди: 4... Фf7! 5. Кс7+Крb8 6. Ка6+Крс8! 7. Фb8+ Крb7 ва оқлар ута олмайди).

4... Фf8—d8 (бўлмаса, 5. Кb6 Х). Лекин бу ҳам қораларнинг мушкулини осон қилолмайди.

5. Фg3—b8+!! Бунақаси камдан-кам учрайди.

5... Фd8:b8 6. Кd7—b6Х.



Мўъжизасиз мўъжиза!
Сиз қандай ўйнардингиз?



Юриш қоралардан.

БОКС:

МУНОСИБ ҲИССА

Таиландда ўтказилган халқаро турнирда совет чарм қўлқоп усталари муваффақиятли куч синашдилар. Ҳал қилувчи учрашувларда 7 нафар спортчимиз қатнашди. Команда ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган боксчиларимиз зафарига тошкентлик Э. Болжонов муносиб ҳисса қўшди. У финалда болгар боксчиси С. Тодоровдан устун келди.

СУЗИШ:

ФАХРЛИ ЎРИНЛАР

Москвада ўтказилган СССР чемпионатида республикамиз вакиллари совринли ўринларни эгаллашди. 50 метрга чалқанча сузган С. Заболотнов бронза медалини, қўлга киритган бўлса, шу усулда сузган Ж. Болотова фахрли иккинчи ўринни эгаллади. 200 метрга эркин усулда сузиш бўйича И. Тишченко марраде учинчи бўлди.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

● ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1989 ЙИЛ УЧУН «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна алоқа бўлимларида, «Союзпечать» агентликларида, корхона ва идоралар, ўқув ва ишлаб чиқариш ташкилотларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Газетага 1 ноябргача обуна бўлганлар уни 1989 йилнинг 1 январидан бошлаб ўзлари хоҳлаган адреслар бўйича олишлари мумкин.

Турли сабабларга кўра, шу йилнинг 1 ноябригача обуна бўлолмаган газетхонлар эса «Совет Ўзбекистони»ни 1989 йилнинг февралидан бошлаб ва ундан кейинги ойлар учун оладилар.

Эслатма: «Совет Ўзбекистони» газетасига чекланмаган миқдорда ва исталган муддатга обуна қабул қилинади.

Азиз газетхонлар! «Совет Ўзбекистони» газетасининг обуна баҳоси бир йилга 7 сўм 80 тийин, ярим йилга 3 сўм 90 тийин, 3 ойга 1 сўм 95 тийин туради.

• *Тингланг, томоша қилинг*

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ—I. 7.00 — «120 минут». 9.00 — Нега ва нима учун? 9.30 — Дўстлик меридианлари. 10.30 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 11.00 — Халқ ижодиёти. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 11.40 —Дунё воқеалари. 12.00 — Мультфильм. 12.10 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 12.40 — Социализм мамлакатларида. 13.10 — П. И. Чайковский. 2-симфония. 14.00 — Қайта қуриш ва маданият. 15.00 — «Давр олға бос». Бадиий фильм, 1ва 2-сериялар. 17.30 — Ҳайвонот оламида. 18.30 — Халқаро программа. 19.30 — Биз излаб кетяпмиз. 20.20 — «Сен — менга, мен — сенга». Бадиий фильм. 21.30 — Время 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ёзувчи ва танқидчи мулоқоти. 23.45 — Янгиликлар. 23.50 — Саҳнага таклиф этиладилар.

МТ—II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Реклама. 8.50 —Истиқбол. 9.40 — Телевизион театр абонементи. 10.25 — Реклама. 10.30 — Здоровье. 11.15 — Реклама. 11.25 — Дин ва жамият. 11.55 — Реклама. 12.00 Йил фасллари. Июль. 13.00 — Реклама. 13.05 — Уй академияси. 13.35 — Реклама. 13.45 — Қайта қуриш ва ҳуқуқ. 14.00 — Реклама. 14.05 — Илмий-оммабоп фильм. 14.25 — Мўъжизасиз-мўжизалар. 15.25 — Сизнинг фикрингиз. 16.00 — Нима? Қаерда? Қачон?. 17.45 — «Қариндошлар». Бадиий фильм. 19.20 — Мультфильм. 19.30 — Концерт. 19.55 — Совет Иттифоқи бўйлаб. 20.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Автоспорт байрами. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Довюрак Хочбар ҳақида қисса». Бадиий фильм. 23.50 — Ҳужжатли фильм. 00.10 — Янгиликлар.

УзТВ—I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.30 — Ягона оилада. 11.00 — Ҳужжатли экран. 11.45 — Архив тилга кирганда. 12.15 — Оналар мактаби. 12.45 — ДОСААФ — мардлик ва спорт аренаси. 13.15 — Инсон ва замин. 14.15 — «Абитурент —88». 14.45 — Ҳамма нарса муҳайё. 17.00 — Мультфильм. 17.05 — Тенгдошлар. 17.50 — Қувноқлар ва зукколар. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Сўз XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегатларига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дала меҳнаткашлари учун концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадиий фильм, 2-серия

УзТВ—II. 18.10 — Реклама. 18.30 — Болалар учун концерт. 18.50 — Жаҳон бир ҳафта ичида. 19.00 — Новости. 19.20 — Сўзни амалда иш билан оқла 20.00 — Ахбор. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.35 — Музикали программа 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Актер ва роль. 23.15 — «Ваҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 11-серия.

16, ИЮЛЬ, ШАНБА

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Танишинг: янги овозлар. 10.15 — Гулшан. 11.30 — Ёшлик. 12.10 — Строитель Узбекистана. 12.30 — Шу куннинг қўшиқлари. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Аюб Азиз. Сусамбул эртакларидан. 16.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 17.00 — 6-студияда музикали учрашув. 18.15 — Фан уфқлари. 18.30 — Қанотлан, ёшлик қўшиғи. 19.20 — Ёшлик. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — Шанба оқшомида. 22.45 — Рақс оҳанглари. 23.00 — Футбол. АСК «Карпати» — «Пахтакор». 23.45 — Ж. Набиев куйлайди.

Р. — 09830. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 163. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12